

МАКТАБ КУТУБХОНАСИ

ГУЛХАНИЙ

Зарбулмасая



Нашрга тайёрловчи С. Долимов

„ЎҚИТУВЧИ“ НАШРИЁТИ * ТОШКЕНТ — 1972

7-6-3

160. Ўқит. 72

МУҲАММАД ШАРИФ ГУЛҲАНИЙ ВА УНИНГ „ЗАРБУЛМАСАЛ“ АСАРИ ҲАҚИДА.

Муҳаммад Шариф Гулҳаний XVIII асрнинг охири ва XIX асрнинг биринчи ярмида Қўқон хонлигида яшаб ижод этган санъаткор шоир ва моҳир масалчидир. У ўзбек классик адабиётига ўзининг ажойиб лирик шеърлари билан кириб келди. Гулҳаний яратган ғазалларда энг яхши инсоний фазилатлар: ватанпарварлик, халқпарварлик, вафодорлик, камтарлик улуғланади, уларда шоирнинг ўз замонасидан норозилиги ҳам кўзга яққол ташланиб туради. Бу асарлар Гулҳанийнинг инсон кечинмаларини жозибали, ғоят таъсирчан тарзда бадний ифодалаш маҳоратини эгаллаган ўткир шоир бўлганидан далолат беради.

Гулҳаний ўз шеърларини бир девонга тўплаганлиги ҳақида маълумотлар бор, лекин ҳалигача бу девон топилмаган. Қўқон хони Умархон саройидаги шоирлар бошлиғи бўлган Абдул Карим Фазлий — Намангоний томонидан 1821 йили тузилган «Мажмуаи шоирон» тазкираси орқали Гулҳанийнинг ўн икки ғазали ва бир қасидаси бизгача етиб келган.

Гулҳанийнинг энг муҳим ижодий фазилати шундан иборатки, у XIX аср фольклористи сифатида ўзбек халқининг донишмандлигини ифода этган масаллар, мақолларни тўплаб, ўзининг машҳур «Зарбулмасал» асарини яратди. Гулҳаний «Зарбулмасал»ни яратишда халқ оғзаки ижоди билан бирга буюк ҳинд масали «Қалила ва Димна»дан, Фирдавсий, Жомий, Ҳофиз Шерозий, Муслиҳиддин Саъдий, Алишер Навоий каби улуғ ва мўътабар шоирларнинг асарларидан ҳам фойдаланди.

Гулҳанийнинг «Зарбулмасал» асари қаро ҳажмдаги масаллардан бўлиб, Япалоққуш билан Бойқуш ~~Даросидани~~ қудачилик воқеасини ифода этади. Ҳажмининг катталиги, повесть эки хи-

қоя қаби воқеаларнинг бир-бирига боғланиб бориши, шу воқеаларга боғланиб масалларнинг ва мақолларнинг берилиши, мураккаб сюжет чизиги ва композицияга эга бўлиши нуқтан назардан Гулханийнинг «Зарбулмасал» асари бошқа ёзувчиларнинг масалларидан фарқ қилади ва кўпроқ «Қалила ва Димна»га яқин туради.

Гулханий «Зарбулмасал» асарида ўз даврининг энг ақтуал масалаларини бадиий ифодалаб берди. Феодал синфининг чириб бориши, бу синф хулқ-атворининг таназзули, мамлакатнинг вайронлиги «Зарбулмасал» асарида аллегорик образларда ўз ифодасини топган. Хусусан, ҳаётий образлар, реалистик саҳналар, характерли портретлар (Япалоққуш, Бойқуш, Шўранул, Кўрқуш, Кордон ва бошқалар), ҳажвий бўёқлар, фалсафий муҳокамалар—буларнинг ҳаммаси масалнинг энг муҳим эстетик фазилатидир.

Гулханийнинг «Зарбулмасал» асаридаги кучли бадиий приёملардан бири шуки, унда ҳар бир салбий образ бир-бирининг хулқ-атворини аямасдан фош қилади. Масалчининг халқ орасидан тўплаган «Зарбулмасал»нинг асосий қаҳрамонлари қушлардир. Унда энг йиртқич қушлардан тортиб оддий қушларгача намён бўлади, баъзан йўл-йўлакай ваҳший ҳайвонлар (маймун, тулки), уй ҳайвонлари (туя, бўталоқ, эшак), ҳашаротлар (чаён) образлари ҳам асарда кўзга ташланади. Лекин буларнинг ҳар бири инсонларнинг хулқ-атворини, қилиқларини, характерини, турмушини ифода этади. Шу билан бирга, асарда бир қатор кишиларнинг реалистик образлари ҳам гавдалантирилган. Зотан, Гулханий меҳнаткаш халқ турмушини яхши биларди. У камбағал деҳқонлар, косиблар, чоракорлар, қароллар, гўлоҳлар, чўпонлар, катта ер эгалари, амалдорлар, тўқувчилар, олимлар, руҳонийлар ва бошқаларнинг ҳаётини, характерини, ички оламини диққат билан ўрганди. Бу кузатишлар шоирга «Зарбулмасал»да мисгар Холбоқи, пўстиндўз Ёдгор булотқи, Қўчқор сўфи, Ашур йиртиқ қассоб, Умар кафишдўз, Муҳаммад хўжа муфти, Ниёзча оғалиқ қаби ҳаётий шахсларнинг сатирик образларини яратиш имконини берди. Бу образлар Япалоққуш ва Бойқуш орасидаги воқеалар билан бевосита боғланади ҳамда масалнинг композициясини тўлдириш учун хизмат қилади.

Асарда тасвирланган образларнинг кўнчилиги — улар хоҳ ҳайвонлар, қушлар образи, хоҳ кишилар образи бўлсин — ярамас иллатлар сифатида гавдаланади. Феодалларга хос очкўзлик, шуҳратпарастлик, мақтанчоқлик кўпроқ Бойўгли, Кордон, Япа-

лоққуш образларида мужассамлантирилган бўлса, кишилар, ҳайвон ва ҳашаротлар образларида ярамас хулқлар — калтабинлик, фаросатсизлик, манманлик ва бошқалар ифодаланади.

Гулханий ўзи яратган образларнинг хусусиятларини хилма-хил бадийий приёмлар билан очиб боради: баъзи ўринларда уларни ўзи характерлайди, образларнинг бутун қилиқларини, ички дунёсини китобхонга атрофлича намоёиш қилади. Масалан, шоир Япалоққушнинг барча дўстларини бир-биридан бадтар игвогар, хасис, риёкор сифатида тасвирлар экан, Шўранулний — қарғани шундай гавдалантиради: «Япалоққушнинг бир Қарға дўсти бор эди, Шўранул (Қарға) қушлар кўзига гўл, ўз ишига пишиқ, ҳаромзодан таррор, ўғри мушук, ҳариф солор, давлатмандлар аснофида мумсик беор, ҳар ерда ўлакса устида тайёр, йигирманинг бешини мустаҳиққа бериб, ўн бешини қўйнига урган, тумшуғи шоҳ Зокирбой кафшфурушнинг тумшуғига ўхшар экан». Кўрамизки, автор юқоридаги қисқа, ихчам, лекин аниқ, образли тасвирда Шўранулнинг бутун характерини, хулқ-атворини чизиб беради.

Масалнинг муҳим хусусиятларидан бири шундаки, сатирик образларнинг характери, асосан, уларнинг ўзаро муносабатлари, суҳбатлари давомида фош бўла боради. Бойўғли, Кўрқуш, Кордон, Япалоққушлар бир-бирларининг иллатларини аямай очиб ташлайдилар. Асардаги бошқа образлар — кишилар, ҳайвон ва ҳашаротларнинг ярамас хислатлари ҳам кўпроқ қушларнинг ўзаро суҳбатлари давомида намоён бўла боради. Масалан, Кордон Бойўғлининг хасис-мурдорлигини, минг чордевордан бир чордевор кам бўлса, қизини бермаслигини, ўтакетган такаббур ва худбинлигини фош қилиш билан бирга унинг қариндош-уруғлари ҳам худди шундай характерга эга эканлигини, уларнинг фақатгина ўз шахсий манфаатини кўзлашини, риёкорлигини, таъмагир, ахлоқсиз ва тарбиясизлигини аямай фош этади. Унинг Бойўғли билан суҳбати давомида Ниёзча оғалиқ, Бобожон Ашур Али каби ёлғончи, нодон, мақтанчоқ шахсларнинг ҳам илллати танқид қилинади:

Узин гоҳ мулло олур, гаҳ тақий,
Ниёзча оғалиқ хуш аҳмақий.

Ҳама ишга ёлғон сўзи дастгир,
Сўзин сарф этиб қорнин айларди сир.

Бу Ниёзча оғалиқнинг характери, Кордон Бойўғлининг иккинчи қариндошини қуйидагича тасвирлайди:

Бобожон Ашур чўлоқу Али бири,
Хўқанд мулкида аҳмақи нодири.

Кордон ҳар иқковини ёмон ниятли (фаж), бадбуруш (лаж) шахслар сифатида фош қилади. Кўрқуш ва Кордон суҳбати давомида эса Кордоннинг ҳеч бир ишнинг уддасидан чиқмайдиган, лақма бир шахс эканлиги намоён бўлади. «Сенинг исмингни Кордон қўюбдурлар,— дейди Кўрқуш,— ишни билиб қилсанг керак эди ва ҳеч иш билмас экансан, Кордон исмингни аксини қўйсалар керак эди... Сенинг кордонлигини кулол мўндида сув ичгандек экан ва бўзчи белбоқга ёлчимас, дегандек бўлди». Кўрқушнинг бу сўзлари орқали аристократ (оқ суяк)лар табақасининг хулқ-атвори фош қилинади. Ҳақиқатан ҳам, хон атрофини ўраб олган амалдорлар, феодаллар, руҳонийлар юрт-эл учун эмас, фақат ўзининг шахсий манфаатини кўзлаган, халқни талон-торож қилган, ўзаро низоларга, мамлакатнинг вайрон бўлишига сабабчи бўлган, ор-номусдан узоқ шахслар эдилар. Гулханий бу табақанинг бутун аҳволидан хабардор эди, шунинг учун ҳам Гулханий бу образларнинг қиёфасини ҳаққоний тасвирлайди.

Асарнинг муҳим фазилатларидан яна бири шундаки, шоир ўзи тўплаган мақоллардан образлар характерини очишда моҳирлик билан фойдаланади. Масалан, Кўрқуш Япалоққуш билан суҳбат қрлаётганда суҳбатдошининг гайри инсоний хулққа эга эканини, қаллоблигини фош этар экан, «Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуйилмас» мақолини ишлатади. Кордон билан Бойқуш суҳбати вақтида Бойўғлининг қўполлигини Кордон: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қошиб сўзлар; ит калласини силасанг, табақда турмас»,— мақоллари билан фош қилса, Бойқуш ҳам Кордоннинг ўз амалига бино қўйиб, ўзини катта олганидан аччиғланиб: «Сўзни айтғил уққанга, жонни жошга суққанга, айтиб сўзни нетарсан, онадин ёмон туққанга»,— дейди. Бу мақоллар феодал табақасининг сирларини фош қилишга қаратилган, улар Қўқон хони Умархон замонасидаги йирик феодалларнинг ахлоқий бузуқлиги, хасислиги, шухратпарастлиги, маишатпарастлиги, худбинлигини очиб ташлашда муҳим восита вазифасини бажарган.

Гулханийнинг «Зарбулмасал» асарида Кўрқуш ижобий образдир.

Кўрқуш бошқа образларнинг (Япалоққуш, Кулонкир султон, Бойўғлининг) хулқ-атворини, ярамас хусусиятларини аямай фош қилиш билан бирга улар орасидаги низоларни тугатишга ҳаракат қилади, Кулонкир султонга тўғри ва одилона маслаҳатлар беради: «...улуғнинг даргоҳида дониш ва аҳли хирадманди боҳуш ҳар қанча кўб бўлса ҳам оз бўлур. Хусусан, подшоҳ одилга уч тоифадин гузир ва чора йўқдур: аввал олими боамал..., иккинчи вазир соҳиби раъй... учинчи мунши рост навис... ҳоло бу турган ошхўр... таом емоққа ҳозир, маслаҳатга ақли қосир...»

Гулханий Кўрқушнинг бу сўзлари орқали Қўқон хони саройидаги аҳволга ўз муносабатини билдиради, амир Умархон саройида ҳам «таом емоққа ҳозир, маслаҳатга ақли қосир» амалдорлар кўплаб топиллишига ишора қилади. Шоир фикрича; худди ана шундай амалдорлар туфайли мамлакат харобазорга, бойўғлилар маконига айланган эди.

Ижобий фазилатларни улуғловчи, ёвузликни фош этувчи «Туя билан Бўталоқ» масали, «Айния ва Раббо» ҳикояси ҳам Кўрқуш тилидан ҳикоя қилинади. Бу асарларда Гулханийга хос халқпарварлик, инсонпарварлик яққол намоён бўлади. Шоир эркисиз, қашшоқ халқнинг тарафдори бўлиб майдонга чиқади, феодалларни инсонпарварликка, раҳмдилликка, халққа ғамхўр бўлишга даъват этади. Шундай қилиб, Кўрқуш образида донишманд, халқпарвар кишиларга хос хислатлар ифодаланди.


«Зарбулмасал» 400 га яқин мақол, кичик масаллар ва ҳикоялардан ташқари учта йирик масални ҳам ўз ичига олади. Бундай масаллардан бири «Маймун билан Нажжор»дир. Унда дурадгор (Нажжор) ҳамда Маймун образи берилади. Нажжор ақлли, уста ҳунарманд, ўз касби, меҳнати билан кун кўрувчи шахс. Гулханий Нажжор образи орқали ҳунар аҳлини улуғлайди. Маймун эса бирор ишнинг уддасидан чиқа олмайдиган, мақтанчоқ шахснинг аллегорик образидир.

«Туя билан Бўталоқ» масалида эса туя, Бўталоқ ва Сорбон (туякаш) образлари орқали муаллиф XIX аср меҳнаткаш халқнинг фожиаги ҳаётини ифода этади. Хусусан, Гулханий «Тошбақа билан Чаён» масалида китобхонларни душманга қарши ҳушёр бўлишга, унга қарши кураш олиб боришга чақиради.

Демак, Гулханий «Зарбулмасал» асарида қушлар образи орқали аристократ табақасини қаттиқ танқид қилади.

«Зарбулмасал» асари ўқувчиларнинг билим савиясига мослаб ишланди. Шунини қайд қилиб ўтиш керакки, «Зарбулмасал»нинг тили, хусусан, ибора, ифодалари анчагина мураккабдир; шу билан бирга, унда арабча ва форсча сўзлар, тожикча иборалар, мақоллар ҳам кўпгина учраб туради.

Ўқувчиларга тушуниш енгил бўлсин учун асарнинг охирида арабча, форсча ва баъзи ўзбекча сўзларнинг луғати, асарнинг ҳар саҳифаси охирида қийин жумлалар, ибора ва ифодаларнинг маъноси берилди; тожикча жумлалар таржима қилинди. Ўқувчилар тушунилмаган сўзларнинг таржимасини китобнинг луғат бобидан, қийин ибора, ифодаларнинг маъносини ҳар саҳифанинг охирида берилган изоҳлардан топадилар.



Д

овийлар андоғ ривоят қилурким, илгариги айёми нофаржомда Фарғона иқлимида Қайқубод¹ отлиғ подшодин қолган бир эски шаҳристон бор эрди². Анда бир Бойўгли деган ватан тутмуш эрди³. Аммо анинг ҳавоси хуш ва боди дилкаш. Сабза раёҳин, анвои гуллар, чечаклар касратидин қўрғонға қўнғон чоғда то-вуснинг парларидек турланиб, мунаққаш кўринур эрди ва анинг ёнида — бир ёғочлик⁴ ерда Япалоққуш маскани — ота-бобосидин қолғон жойи бор эрди. Аммо Бойўглининг бир қизи бор эрдик, меҳри ховарий юзига банда эрди⁵.

Оразидин шамсу қамардур хижил,
Сўзларидин шаҳду шакар мунфанл,
Ҳосили умри эди ул бойнинг,
Оти Гунаш бону ўшал ойнинг⁶.

¹ Қайқубод — эрамиздан аввал VII—VI асрларда ўтган Эрон шоҳларидан бирининг исми; кай — ҳукмдор, подшо маъносиде ишлатилади.

² Ҳикоя айтувчилар шундай ҳикоя қиладиларки, илгариги бахтсиз бир замонда Фарғона мамлакатиде Қайқубод отлиқ подшодан қолган бир эски катта шаҳар бор эди.

³ Унда Бойўгли деган бир қуш яшар эди.

⁴ Бир ёғочлик ер — ўн икки минг қулоч (тахминан ўн икки километрдан ортиқроқ) масофа.

⁵ Шарқ қуёши унинг юзига қул эди. Шоир: «Унинг юзи шарқ қуёшидан ҳам гўзал эди», — демоқчи.

⁶ Унинг юзидан қуёш билан ой уялади.

Унинг сўзларидан асал билан шакар хижолат бўлади.

Бу қиз бойнинг бирдан бир фарзанди эди.

У ойнинг оти Гунаш бону эди.

Ва ул қиз офтоби олам тобдек ҳар хомни пишируб¹, ҳеч махлуқ ани кундузи кўрмоққа чораси йўқ эрди² ва ул қиз юзини яшурур эрди. То баҳаддики, аломати булуғ зоҳир бўлуб³ тиши чиқиб, кўзи сузулиб, овози бузулиб, онасининг тўғри сўзлаганига эгри сўзлай бошлади...

Япалоққуш Кўрқушни имлаб олиб, ёнида ўтқузиб айтдики;

Зонки дар офоқ зи барноу пир,

Ҳеч кас аз жуфт надорад гузир.⁴

Бизнинг қурратул айнимиз эр етибдур,⁵ бир ерда муносиб маслаҳат қилали: Бойўғлининг бир чиройли қизи бор эмиш, деб айтурлар. Бизнинг тарафдин совчи бўлуб боринг. Ҳар қанча қалин бўлса топилур.

Анда Кўрқуш айди: «Бор мақтанса топилур, йўқ мақтанса чопилур»,— деган яхшиларнинг масалидур. Бойўғлининг оғзининг бурчидин чиқор: «Минг чордевор қизимнинг қалини», деб. Ҳоло... подшоҳимиз... Умархон... замонларида... бир бўш чордевор топилмас, уялурмиз. Нечукким, айтмишлар: «Ёлгон масал турмас»⁶, «Уят — ўлимдин қаттиг». Яна айтмишлар: «Эрмон ёғочининг эгилгани — сингани, эр йигитнинг уялгани — ўлгани»...

Анда Япалоққуш айди: «Мен сизни билимлик ва маънидин бохабар киши фаҳмлаб эрдим, «Карнай мисдин, балгам исдин» бўлурини билмас экансиз. «Кўр тутганини қўймас ва кар эшитганини қўймас».

Анда Кўрқуш айди: «Мен хотун олмоқ таманноси фарқоби эмасман⁷, нечукким айтмишлар: «Дала-тузни сув олса, қўнғир гозни тўшидин, қулоқсизга сўз айтсанг, қулоғининг тошидин»⁸.

¹ У қиз оламни ёритувчи офтобдек товланиб, ҳар бир хом нарсани пиширар эди.

² Бирорта махлуқ уни кундузи кўра олмасди.

³ Унда балоғатга етишиш белгилари кўрингач, ...

⁴ Бу дунёда бўлган ёш ва қарининг жуфтсиз бўлиши (уйланмаслиги) мумкин эмас.

⁵ Бизнинг кўз қорачиғимиз (бизнинг фарзандимиз) йигит бўлиб етишибди.

⁶ «Ёлгон масал турмас» жумласи «мақол ёлгон фикрни ифода этмайди» маъносини акс эттиради. «Ёлгон масал турмас» жумласидаги «масал» сўзи «мақол» маъносида ишлатилган.

⁷ Мен уйланиш орзусига фарқ бўлган эмасман («мен уйланиш ниятида эмасман» маъносида).

⁸ Қир-далани сув босса, қўнғир гознинг тўшига чиқади, қулоқсизга сўзласанг, қулоғининг ташқарисида қолади.

Анда Япалоққуш айди: «Бурноғиллар масалидурким, «Битар ишнинг бошига — яхши келур қошига». Яна бири булки, «Бемор тузалгуси келса, табиб ўз оёғи бирла келур».

Анда Кўрқуш айди: «Бўл! Оғиз бўлма, оёқ бўл», эшитмадингмуки, «оёқ югуруги ошқа, оғиз югуруги бошқа»... Сен ким, Бойўғлининг эшигига киши юбормоқ ким? Ҳеч билмасмусанки, «тенг-тенги бирла, тезак қопи бирла».

Анда Япалоққуш айди: «Андин бизнинг нима камлигимиз бор?...»

Анда Кўрқуш айди: «Борлиқдин мақтанма, «Мақтанган қиз тўйда уялар» ва яна айтмишлар: «Ўзини мақтағони ўлумнинг қоровули». Сенинг аҳволинг оламга маълумдир. «Ойни этак бирла яшурса бўлурму?», «Чумчуқ семурса, ботмон¹ бўлурму?», «Олақўзанак ола бўлса ҳам, арслон бўлмас, олатўғаноқ олгур бўлса ҳам, аҳволи маълум».

Анда Япалоққуш айди: «Иштонсиз тиззаси йиртиққа кулар»,— дегандек, сен бизни фақир-нотавон кўрдингму?² Бундан беҳабар ўхшарсанки: «Чўбни хор тутсанг, кўзга тушар». Бор, мен бирла сўзлашгунча, Бойўғли бирла сўзлашгил.

Анда Кўрқуш айди: «Эй Япалоқ, андоқ бўлса, куёв бўлур ўғлингнинг отини айтгил».

Анда Япалоққуш айди: «Ўғлимнинг номуборак оти Кулонкир султондур».

Анда Кўрқуш айтур: «Мундоғ фаҳм ва хирад сар манзилидин ўтган кишиларни кўрган эмасман³. Эчкунинг оти Абдулкарим бўлурга сўз керак⁴. Бурунғилар анинг учун: «Эби бирлон сўзлаганнинг қурбони бўл»,— деган эканлар. Кулонкир султон от қўй-

¹ Ботмон — оғирлик ўлчови бўлиб, турли жойда турлича ишлатилади, яъни 2 пуддан 11 пудгача ишлатилади.

² Сен бизни камбағал ва заиф, ҳеч нарсага кучи етмайдиган деб ўйладингми?

³ Бундай фаҳм ва ақлга эга бўлган кишиларни кўрган эмасман.

⁴ Утмишда Абдукарим дейдиган бир қассоб бор экан. Бу одам эчки билан қўй гўштини аралаштириб қанарага осар ва харидорларни алдаб эчки гўштини ҳам қўй гўшти деб сотар экан.

Харидорлар бошқа қассобдан гўшт олганларида эчки гўштини аввалги қассобнинг номига нисбат бериб: «Бу Абдукаримнинг гўшти эмасми?» — деб сўрар эканлар. Шу муносабат билан эчкининг оти Абдукарим деб аталиб кетган.

моқ сенинг ҳаддингму. Бу от — Ҳумо, Уқоб, Қарчиғай, Баҳрин, Лочин, Итолгу қушларнинг салотинидурлар, аларга муносиб от турур».

Анда Япалоққуш айди: Илгари ўтган яхшилар масалидурким: «Яхши нафас — ярим мол», бари боламнинг асбоби кулонкирлиги минкори билан чангалидин маълум ва равшан эмасдурму?¹»

Анда Кўрқуш айди: «Рост айтурсан, «Қўчқор бўлур қўзининг пешонаси дўнг бўлур, оғо бўлур йигитнинг пешонаси кенг бўлур». «Чучварани хом санабсан» ўхшарки, «отаси урмас қўнғизни, боласи урар тўнғизни», деган сўзга ишонма. «Ҳалво деган бирла оғиз чучумас».

Тақя бар жойи бузургон нотавон зад багаззоб,
Магар асбоби бузурги ҳама омода қуни².

Сенинг бу сўзинг қарчиғайлик дағдағаси куланг бошига тунуб дуррож шикорин ихтиёр қилиб, ўзи балчиққа ботиб қолганга ўхшар. Ори, ҳаддидин ҳар кишиким ошса, жазоси мундоғ бўлур. Бу сўзининг тафсилини «Силсилатуз заҳаб»³дин топ. Бурунгилар масалидурки: «Аёз⁴, ҳаддинги бил, барчани қўй, ўзингни бил», «Наманган — шаҳри вайрон, оти улуг, суфраси қуруғ», «Уйда чакса уни йўқ, том бошида қўш танур», «Сичқон сигмас ниға, галвир боғлар думиға»,— деган иборат сенга содиқ келур⁵.

Анда Япалоққуш айди: «Эй Қўр, бас, куланг қарчиға ишини қилурман деб, балчиққа ботиб ўлганини менга ҳикоят қилурсан, ман ҳам бийно ва нобийно ҳикоятин билурманки, нобино бино сўзини қулоққа олмай, ўз хижолатидин ўзини илонга чақтириб ҳалок бўлди. Сенга гапирсам, бу муҳим хайр кечга қолур. Бу ҳикоятнинг баён воқеасини истасанг «Қалила ва Димна»⁶ дин топ».

Анда Кўрқуш айди: «Эй бесабр, ...сен ўз яроғингни қилғунча

1 ...боламнинг кулонкирлик сабаблари тумшуғи билан чангалидан маълум ва равшан эмасми?

2 Улуғларнинг жойига суяниб, беҳуда мақтанма. Аввал улуғликнинг ҳамма шартларини тайёрла.

3 «Силсилатуз заҳаб» («Олтин зашжир») — машҳур шоир Абдураҳмон Жомийнинг «Ҳафт авранг» («Етти тахт») асаридаги дostonлардан бири.

4 Аёз — Маҳмуд Ғазнавийнинг энг яқин вазирларидандир.

5 ...иборалар сенга тўғри келади.

6 «Қалила ва Димна» машҳур ҳинд масаллар тўплами бўлиб, Ғарб ва Шарқ тилларига таржима қилинган.

сабр қилсанг хўбдур. Сабрни яхшилар андоғ таъриф қилмишларки:

Сабр билан баста эшикдур кушод,
Сабр билан топди эранлар мурод.
Сабр сенинг дардинга дармон бўлур,
Сабр билан хор гулистон бўлур,
Шўра замин боғ ила бўстон бўлур.
Баста эшик очғусидир сабр, бил,
Сабр қилу, сабр қилу, сабр қил¹.

Ва айтмишларким,

Сабр қилсанг, ғўрадин ҳалво битар,
Бесабрлар ўз оёғидин йитар.

Япалоққуш айдиким: «Ори, балоға сабр, қазоға рози бўлмоқдин ўзга чорам йўқ, лекин сабрнинг жойи билан ҳузн ва андуҳдин бўлак нимарсаси йўқ². Сабр қилиб, яхши иш қўлдан кетса, ўхшамас...»³

Анда Кўрқуш айди: «Емонға ўлим... муҳим хайр ишига юборур киши бу навъ бўлурму?»⁴ Эшитган эмасмусанким, яхшилар айтибдурларким, ширин-ширин сўзласанг, илон инидин чиқар, аччиқ-аччиқ сўзласанг мусулмон динидин чиқар». Сенинг бу ношойишта сўзингга бормасман. Тожикнинг бир масали борки: «Зўри беҳуда миён мешиканад»⁵.

Анда Япалоққуш айди: «Сен манноун лилхайр» ўхшарсан⁶, сендин совуқ ҳасад иси келур».

Анда Кўрқуш айди: «Мен совуқ ҳасад қариндоши эмасман, сени хўб билурманким, «Қалб қозони қайнамас, қайнаса ҳам қуюлмас», дерлар. «Ҳаромзоданинг қуйруғи бир тутам. Менга кўп юз келтурсанг, нечукким, қадимғи яхшилардан бир масал қолибдур: «Яхшилиқ қил сувға сол, сув билмаса, болиқ билур, болиқ

¹ Сабр қилиш билан ёпиқ эшик очилади, сабр қилиш билан мардлар муродига етади. Сабр сенинг дардингга дармон бўлади, сабр билан тиконли ерлар гулистонга, шўрالي ерлар боғу бўстонга айланади. Ёпиқ эшик сабр қилиш билан очилади, шунинг учун сабр қил, сабр қил ва сабр қил.

² Лекин сабр қилиб, баъзан киши қайғу-алам (ҳузн, андуҳ) га дучор бўлади.

³ Сабр қилиб, яхши иш қўлдан кетса, тузук бўлмайди.

⁴ Муҳим хайр ишига юборадиган киши шундай бўладими?

⁵ Беҳуда зўр уриш бел синдиради.

⁶ Сен яхшилиқ қилишга тўсқиндик қилувчига ўхшайсан.

билмаса, холиқ билур». Аввал бориб Кулонкир султон жамолини кўруб, совуқ сўзини эшитиб, тузини тотиб¹, сўнгра борсам керак»,— деб Кулонкир султон хизматига равона бўлди. Ярим фарсах йўл борганда, шул аснода бир Худхуд йўлиқди, саломлашиб айдиким: «Қайси ошён баланддин парвоз қилдинг?»²

Анда Кўрқуш айди:

«Парвози бандаги бафазое намерасад,
Эй хок, паст бош, баландаст осмон³
Бизнинг парвозимиз маълумдур».

Анда Худхуд айди: «Эй Кўр, мен муаммодин беҳабарман, тўғри сўзинг бўлса, сўзла. Мофиз замиринг менга баён қил»⁴.

Анда Кўрқуш айди: «Мен Япалоқ биби совчисидурман, Бойўғлининг қизига хосткорликка борурман».

Анда Худхуд айди: «Япалоққушнинг кам хирадлигини эмди билдим. Ҳар ойна ўз жинсидин, япалоқлар қуруғондек сени юбордиму?... Билмасмусанким: «Юмруқ букулуб санг бўлмас, эчки югуриб ланг бўлмас»⁵ ва яна: «Кесгон ошга ўхшарму ёвгон бўломуқ»... Сенинг серка тиларга лаб-лузинг йўқ экани маълум ва машҳурдир. Ва яна қўлидин келмас ишга урунган, нажжорлик қилгон Маймунга ўхшаш расво бўлма».

Кўрқуш айди: «Ҳикоят қил».

Худхуд айди:

Бор эди Қашмир навоҳийда тоғ,
Боғи эрам рашкидин кўксига доғ⁶.

Анда иморатга яроғлиғ яғоч,
Етти қулоч бўйи ўн икки қулоч⁷.

¹ Тузини тотиб...— овқатини еб кўриб...

² Қайси баланд уя (ин)дан учиб келдинг?

³ Банданинг учиши осмонга етмайди,
Эй тупроқ, паст бўл, осмон баланддир.

⁴ Кўнглингдагини менга айт.

⁵ Мақолнинг мазмуни: «Мушт букилса ҳам, тош бўлмайди, эчки эса юурса ҳам, чўлоқ бўлмайди».

⁶ Қашмир деган мамлакатда бир тоғ бор эди. Унинг гўзаллиги эрам боғининг кўксига доғ бўлиб тушарди.

⁷ Тоғдаги ёғочларнинг бўйи етти ва ўн икки қулоч эди.

Бор эди кўб неъмату алвонлари¹,
Хурраму маъмур эди ҳайвонлари².

Зулф каби сунбули хушбўлари³,
Роҳатижон эрди оқар сувлари.

Уйдин улуғроқ эди бир гулбуне⁴,
Анда ватан тутмиш эди Маймуне⁵.

Жон сотиб ўзни ўйин этарди тан⁶,
Ўқур эди қиссаи ҳуббул ватан⁷.

Бир куни нажжори хирадманди фард⁸,
Кўнгли яғоч йўқлигинин қилди дард⁹.

Борди ўшал тоқғаки мавкуф эди,
Эзгу яғочлар анга маъруф эди.

Шахрининг зиндонидин озод ўлуб¹⁰,
Тоғнинг Шириниға Фарҳод ўлуб¹¹.

Сонур эди ўзини тоғ хисрави,
Тоғни ўқуб Деҳлавия маъनावий.

Элина навкиссаларин қистари¹²,
Расм эди Нажжор яғоч истари¹³.

Эгди дили гўшасининг пардасин¹⁴
Белға суқуб теша била аррасин.

¹ Хилма-хил неъматлари кўп эди.

² Ҳайвонлари шод-хурсанд ва тўқ эди.

³ Хушбўй сунбуллари зулфга ўхшарди.

⁴ Бир гул дарахти уйдан каттароқ эди.

⁵ Бир маймуи ўша дарахтни ўзига ватан қилиб олган эди.

⁶ Ўз танасини ўйинга соларди.

⁷ Ватан муҳаббати ҳақида ҳикоя ўқур эди.

⁸ Ақл соҳасида ягона бўлган дурадгор бир куни...

⁹ Ёғоч йўқлигинин кўнгли алам чекди.

¹⁰ Шаҳар зиндонидан озод бўлиб... («шаҳардаги диққинафас-ликдан қутулиб»... маъносида)

¹¹ Бу мисрада Гулханий тоғда кезаётган Нажжорни Фарҳод-га ўхшатади.

¹² Белига янги асбобларини қистирди.

¹³ Дурадгорнинг ёғоч қидириши одат эди.

¹⁴ Дилининг бир чеккасидаги пардани эгди.

Бориб анга кесди яғоч решасин,
Қўйди ўшал ерда унутиб тешасин.

Ўзга тоқға бордию кесди яғоч,
Ёрмоқини қилди магар ул илож.

Болта била бир учини ёрди ул,
Пона қўюб, теша сари борди ул.

Гушти баногоҳ анга Маймун кўзи,
Оқилу доно санаб ул дам ўзи.

Айди: «Улус ичра бу бир касбдур
Касбни бошина кийсанг насбдур.

Кисаи пурзар эмиш элга ҳунар¹,
Беҳунар элни дедилар: реши хар².

Мен дахи нажжорликни ўрганай,
Болаларим барчасига ўргатай».

Жаҳд қилиб турди равон борғали³,
Яъни яғоч қолмишини ёрғали...

Минди яғоч устиға Нажжордек,
Косибни пуркардаи пуркордек⁴.

Кетди ҳунар шавқи била ғуссаси⁵,
Тушди яғоч айрисиға думчаси.

Балки недин бўлди тутулмоқлиги,
Мумкин эмас ўлди қутулмоқлиги.

Одами жинсида йўқ қиссаси,
Қолди анинг думчасининг ҳиссаси.

Билгилки, Маймун нажжорлик қилурман деб қўлға тушуб
эртадан кечгача калтак бирла уруб ўйнатиб балоға гирифтор
бўлгондек, сен ҳам муҳим хайр ишини битиролмай мулла Исо

¹ Ҳунар халқнинг ҳамёнини олтин билан тўлдиради.

² Ҳунарсиз кишини эшак яғири — подон, аҳмоқ дейдилар.

³ Астойдил ҳаракат қилиб ўша томонга борди.

⁴ Тажрибали устадек.

⁵ Ҳунардан хурсанд бўлиб, гами кетди. («қилаётган ишига
берилиб кетиб, ўзини унутди» маъносига).

авлиё бирла Абдурахмон офтобачидек халқнинг лаънат сўзи-
дин чиқмай юрма. Ёмон иснод сендин қолур¹.

Қўрқуш айди: «Мен ҳам бу ишда ҳаммолликка равом йўқ²,
лекин тақдир билур.

Одами кўб ҳийлау тадбир этар,
Лек ишини охири тақдир этар.

Сен теваининг бўтаси онаси бирла мунозара қилгонидин ха-
барсиз ўхшарсан».

Худҳуд айди: «Ҳикоят қил».

Қўрқуш айди:

— Бор эди Фарғонада бир сорбон,
Теваси бор эрди туғди ногаҳон.

Аҳлу аёли анинг бас эрди чўх³,
Озуқидин кулбасида нарса йўқ.

Ҳосили дунё эди бир теваси⁴,
Эмадиган орқасида бўтаси.

Бир кунни ул тевасини қўмлади,
Ортадиган юкларини жўблади.

Юки оғир эрди ва ҳам йўл йироқ,
Ўртади тайлоқини нори фиरोқ⁵.

Фасли тамуз эрди: ҳаво кўб исиг,
Йўлда темирдек эди қумлар қизик.

Оч ўтина куйди анодин жудо,
Модарининг меҳрида эрди адо⁶.

Жаҳд ила етмай аносин кейнидин⁷,
Қумда куярди ғами ул сийнадин⁸.

¹ Сендан ёмон от қолади.

² Мен ҳам бу ишда ҳаммоллик қилишни истамас эдим.

³ Оиласи катта эди.

⁴ Туясидан бошқа ҳеч нарсаси йўқ эди.

⁵ Айрилиқ ўти туянинг боласини ўртади.

⁶ Онадан жудо бўлиб, очлик ўтига қуйди,
Онанининг меҳри ўтида адо эди.

⁷ Ҳаракат қилса ҳам, онасига етмай олмай...

⁸ Ҳам қумда, ҳам қалбадаги ғам билан куйди.

Оғир юки йўлда ўшал сорбон,
Йўлда чўкурди тузатай деб равон¹.

Бўтаси бориб эди орқосидин,
Ёнди ҳароратлари яғмосидин².

Бўзланиб айди:— Ҳало бераҳм онам,
Куйдию ёнди, туташти танам.

Аста-аста юрсанг, бўлғай на ғам,
Сийнаи сутингдин эмай дам-бадам».

Айди аноси боласиға боқиб,
Кўзларининг ёшлари сувдек оқиб:

«Кўрки, бурундуқ³ кишининг қўлида,
Бу кишининг кўзлари ўз йўлида.

Менда агар зарра каби ихтиёр
Бўлса эди, бўлмас эдим зери бор⁴.

Бурунғилар масалидурким: «Қизни ким суймас, қимизни ким ичмас», «Қарнайчидин нима кетар, бир пуф».

Анда Ҳудҳуд айди: «Ори, амонат сўзга амин бўлмоқ яхшилар меваси турур⁵. Сен дахи кулни ўз кўмочинг устига тортма⁶ ва баҳодир дурадгордек тешани ўз тарафингга чопма⁷.

Монандаи арра бош дар илми маош,
Гоҳе сўйи худ мекашу, гоҳе мепош⁸.

Монанди арра бўл, ду жонибга камоҳаққуху тушуб сўзлагил...»⁹ деб видолашиб кетди.

¹ Туякаш юкни яхшилаб тузатайин деб, туяни чўқтирди.

² Иссиқликнинг талон-торождан ёнарди.

³ Бурундуқ — туянинг бурнидаги тоғайни тешиб тикиб қўйилган ёғочга бурундуқ дейилади. Мазкур бурундуққа арқон боғланади, арқон эгасининг қўлида бўлади.

⁴ Менда агар заррача ихтиёр бўлганида эди, мен юк тагида бўлмасдим.

⁵ Амонат сўзга хиёнат қилмаслик яхшиларнинг одатидир.

⁶ «Сен ҳам фақат ўз фойданг тўғрисидагина ўйлама», маъносда.

⁷ Ўз манфаатингни кўзлама.

⁸ Мазмуни: Тирикчилик илмида арра сингари бўл, баъзан (аррани) ўз томонингга торт, баъзан (қилиқни) сочиб юбор.

⁹ Аррага ўхшагил, икки томонга адолат билан сўзлагил.

Алқисса, Қўрқуш йиқила-сурила Қулонкир султон даргоҳига равона бўлуб, сарманзилига етди. Қўрдиким, ажаб шаън-шавкатлик боргоҳи бор эканки, савсан кўб тил бирлан анинг васфидин ожиз ва ҳар турлук муарриф таърифи анинг шаънида ночиз¹:

Қўрди тикилган эди бир боргоҳ,
Боргаҳи хисрави анжум сипоҳ².
Кунгираси кўкка тегиб ўрдалар,
Хаймау хиргоҳу саропардалар.

Бир неча қушлар била ҳамроз ўлуб,
Булбулу қумри била дамсоз бўлуб.

Нағмаи қонунлигини соз этиб,
Даъвийи Фиръавнлиг оғоз этиб³.

Қўрқуш бу асоси боло қиёсни кўруб⁴, боргоҳ дарвозасидин «Салом, ҳай-ҳай!» овозининг савлатидин киролмай ўлтуруб қолди. Қулонкир султон хизматида бир Қуйкунак отлиг қуллари ҳозир эрди. Қулонкир султоннинг Қўрқушга назари тушуб, Қуйкунакга буюрдиким: «Бориб гуломгардишда ўлтурган одамдин хабар ол, муҳтож, мустамандму, ё оч ва яланғочликдин келдиму? Сазовари хайр бўлса, мунда олиб кел».

Анда Қуйкунак илгари қадам қўюб, Қўрқушнинг олдиға келиб айдиким: «Эй бобо, қайси ошёни баланддин парвоз қилдигиз?»

Анда Қўрқуш Қуйкунакнинг такаббуруна сўзини англаб айтиди: «Эй болам, сен сўрғучи бўлғунча ва мен жавоб берғувчи бўлғунча, иккимиз ҳам гойиб бўлсак яхшидир».

Анда Қуйкунак айтиди: «Яхшилар топиб сўзлар» дегандек, яъни бизни аркон давлат орасида кичкина кўрдингизму? «Кичкина деманг бизни, кўтариб урамиз сизни», ёинки «Қуйкунак

¹ Қўрса, шундай ажойиб саройи бор эканки, сафсар гул кўп тилли бўлса ҳам, унинг мақтовига ожизлик қилар ва ҳар қандай таъриф қилувчи, тасвирловчи одамнинг таърифи унинг гўзаллигини ифодалай олмасди.

² Аскарлар юлдузлар каби сон-саноқсиз бўлган улуг подшоҳнинг саройидек эди.

³ Қонун номли музыка асбобининг нағмаларини созлаб, Фиръавнлик даъвосини бошлаб.

⁴ Пойдевори баланд бинони кўриб...

Ўз ерида ғоз олур, ҳам ўрдак», «Ўзингни эр билсанг, бировни шер бил».

Кўрқуш анинг худ донолигини англаб айди: «Эй болам, сен онасиға ўргатган ўғилға ўхшарсан. Бурунғилар масалидурки, «Сигир сув ичгунча бузоқ муз ялар», меҳмон бўлсам, таъзим қилсанг лозим эрди.

Нечукким айтмишлар:

Ғам ҳужум этганда бесомонлигим ўртар мени,
Мезбон хижлат чекар ҳар неча меҳмондур таниш¹.

Боракаллоҳ, меҳмонни сийламоқни сендин ўргандим, деди. Анда Кулонкир меҳмонга озор берганини англаб, Қуйкунакни жеркиб, кўзидин андоғ нари солдиким, қайта кўрмоқлик номумкин бўлди².

Бас, Кўрқушни имлаб, ёнидан жой бериб айдиким: «Эй бобо, хуш келибсиз, маъзур тутунг³ ва ўзингиздек кишилар дебдурларки «Танимасни сийламас».

Анда Кўрқуш сўзга дарафтод бўлди⁴. Ва айдики: «Улуғнинг даргоҳида дониш ва аҳли хирадманди боҳуш ҳар қанча кўб бўлса ҳам оз бўлур» Хусусан, подшоҳи одилга уч тоифадин гузир⁵ ва чора йўқдур; аввал, олими боамалки, подшоҳнинг охиратлиқ асбобини анга кўргазса. Иккинчи вазири соҳиби раъйки, подшонинг дунёлиқ яроғини тараддудида бўлса⁶. Учинчи, мушыйи рост навис, қаламзани ниғаҳдор ва шамширзан⁷. Ҳоло бу турган ошхўри жомадарронлар таом емоққа ҳозир, маслаҳат ақли қосир. Қадимги бузург машойихлардин бизга бир масал қолибдурки⁸: «Эрга берсанг ошингни, эрлар силар бошингни,

¹ Меҳмон кутувчи — уй эгаси меҳмон ҳар қанча таниш бўлса ҳам, хижолат тортади, чунки шу меҳмоннинг қандай қилиб кўнглини олишни ўйлайди.

² Кўз ўнгидан шундай қувладики, уни қайта кўриш мумкин бўлмади.

³ Бизни кечиринг, узримизни қабул этинг.

⁴ Кўрқуш сўзга киришди.

⁵ Хусусан, одил подшоҳ уч гуруҳдан қочмаслиги керак.

⁶ Фикр ва мулоҳазаларга эга бўлган вазир подшога бу дунёда нима керак бўлса, шуларнинг ҳаммасини тайёрласа.

⁷ Ҳақиқатни ёзадиган ёзувчи, ҳукм ва фармонларни ёзиб тарқатувчи котиб посбон, қиличбоз бўлса.

⁸ Бу турган текинхўр ошхўрлар ошга тайёр, маслаҳат беришга ақли кучсиз; қадимги улуг кексалардан бизга бир мақол қолибдирки...

итга берсанг ошингни, итлар чайнар бошингни...» ва яна: «Яхши била юрдинг — етдинг мурсдга, ёмон била юрдинг — қолдинг уятга» ёинки: «Ёмонга ёндошсангиз, балоси юқар, қазонга ёндошсангиз, қароси юқар...», «Биз қўй кўрмасак ҳам, қий кўрган эдук...» Бу тоифанинг оз хизмати, кўб миннати бўлур. «Ҳар ким бу тоифадин мурувват тилабдур, гуё тол ёғочдин зардолу тилабдур...»¹

Кўрқушнинг сўзи Кулонкир султонга бодаи сабуҳий нашъасидек таъсир этди ва насойиҳнинг абири жон комиға турктоз этди². Баҳаддики вужудининг вайронаси маъмур бўлуб, ободонлиқға юзланди³. Кулонкир султоннинг илгариги меҳмондин қолгон оши бор эди, ани Кўрқушнинг олдига қўйди, айди: «Оз ошга имдод йўқ».

Анда Кўрқуш айди:

Карам на эрди бахиллик сўзин дединг, эй шоҳ,
Оз ошни бергуча мундин зиёда ўту олов⁴.

Анда Кулонкир султон айди:

«Аз карам нест бахили кардан,
Хон ниҳодан таоми хўрдан беҳ⁵».

«Оз ошим, ғавғосиз бошим», деб ёлғиз иноят қилинг».

Анда Кўрқуш айди: «Ош эгаси била тотлиғ».

Кулонкир султон айди: «Хўб бўлур, ошга деганда қуруқ калла югурур», — деб қўл узата берди. Бир емоғлиқ қилдиким, табақ тубига тушди⁶. Кўрқуш ҳар қанча тараддуд қилди, ошни табақ тагида топмади. Анда Кўрқуш айди: «Қаломи мажид тар-

¹ Кимки бу хил кишилардан одамгарчилик, яхшилик кутса, тол дарахтидан ўрик кутгандек бўлади.

² Кўрқушнинг сўзи Кулонкир султонга тонг пайтидаги ичкилик нашъасидек таъсир этди ва насиҳатларнинг хушбўй ҳиди жон баҳрасига ҳужум қилди.

³ Кўрқушнинг сўзидан Кулонкир султон вужудининг вайронаси обод бўлди.

⁴ Эй шоҳ, сахийлик тўғрисида сўзлаган эдинг, нима учун бахиллик қилдинг?

Оз ошни берганингдан кўра, ўт-олов берганинг яхшироқ.

⁵ Бахиллик қилиш карамдан эмас, дастурхон ёзилгач, таом емоқ яхшидир.

⁶ Товоқнинг (лаганнинг) таги кўринди, товоқда (лаганда), ҳеч нарса қолмади.

жимаси турурки, «Енглар, ичинглар, исроф қилманглар». Бу нечук ош емоғлиқдур?»

Анда Кулонкир султон айди: «Бизнинг шаънимизда исроф бўлмас. Нечукким, қиёматлик ҳисоб-жавобини мазмунига боқиб ош едумки, анда ортуқ ҳалол-ҳаромдин ҳисоб олурда, мунда оз-оз олиб, охиратда ҳисобини кўб бергунча, мунда бир олиб, анда бир жавоб берсам яхшидур ва яна «Қуйруғи узун товушқон, ёмон бўлур сўзни бир-бирига қўшган. Туринг, муҳим хайра тааммул қилманг»¹, — деб жавоб берди.

Алқисса Кўрқуш ўрнидан туруб, жадду жадал айлаб, Бойўғли сарманзилига равона бўлуб, қатъи манозил қилиб, муддао деворига боши² ва истидоъ ҳадафига мурад ўқи тегди³. Замондин кейин Бойўғли Кўрқушнинг келганидан огоҳ бўлуб, анинг олдига чиқиб «хайра мақдам бирраъси валъайн⁴, хуш келибсиз», деб таъзим бирла кўрушуб, бир-бирининг юзини чўқушиб Бойўғли Кўрқушни уясига қўндурди ва олдига моҳазар қўйди. Кўрқуш сўзламасдан бурун таомға туша берди.

Бойўғли айди: «Таом емакда сўзлаб емак яхшидур. Монанд ҳайвондек хомуш таом емак озода мардум шевасидин эрмас»⁵.

Анда Кўрқуш айдиким: «Сўзламакдин ўзга чора йўқ⁶. Лекин илгари ўтган яхшилар масалидурким: «Аввал таом, сўнгра калом», «Айрон тилаб келсанг, челакингни яшурма», андоғ воқиф ва огоҳ бўлунгизки, сизнинг толеи гардунигиз буржида⁷ саодат партавлик мастуралик садафидин пайдо бўлган, Кулонкир султонга муносиб Гунашбону исмлиқ нозпарвар маҳлиқо қизингиз бор эмиш⁸. Япалоқнинг боласи Кулонкир султонга муносиби кў-

1 Туринг, муҳим яхшилик ишида ўйланиб ўтирманг.

2 Муддаосига етди, мақсадига етди.

3 Ялиниб-ёлвориб сўраш нишонига мақсад ўқи тегди.

4 Қадамлари бош устига, кўз устига.

5 Ҳайвонга ўхшаб индамасдан овқат (таом) емак яхши, тўғри кишилар одатидан эмас.

6 Жим ўтириб бўлмайди. Сўзлаш керак.

7 Буруж — 1) қадимги астрономияда қуёшнинг йиллик ҳаракат доирасидаги ўн икки нуқтанинг ҳар бирига бурж дейилади; 2) қалъанинг чўққиси.

8 Шундай хабардор ва огоҳ бўлунгизки, сизнинг осмонингиз буржида бахтингизнинг равшан ва пардаланган садафидан пайдо бўлган, Кулонкир султонга муносиб Гунашбону исмли ноз қилишга ўрганган ой юзли қизингиз бор эмиш.

руб совчи бўлиб келдим. Сиз бир ширин жавоб беринг. Англаб бориб тарадуд қилали»,— деди.

Анда Бойўғли айтиди: «Ори, боланинг бўйи етибдур, ўзидин сўраб жавоб берсам керак»,— деб туруб қизин олдиға кирди. Айтиди: «Эй болам, Япалоқ бибининг боласи Кулонкир султон ҳаво хоҳ бўлуб, совчи юбормиш, на жавоб берурсан?»

Анда Гунашбону ойим, начукким рўзгор қизларининг аълоридур¹, «сукут — аломати ризо», дегандек, бошини қуйи солиб ўлтурди. Бойўғли қизининг майлини билиб айтиди: «Бу болиға кўнгли борга ўхшар»,— дегач, қиз тилга келиб айтиди: «Эй бемаъни чол, соқолингдан уёл. Хомуш турмоқлик жавоби бўйла бўлурму?»² Хайр ишиға мутакаллим бўлғонининг хитоби бўйла бўлурму?»³...»

Анда Бойўғли айтиди: «Эй бошинг кесулгур, англаган эмасмусан: «Ўлтурган қиз ўрнин топар».

Анда Гунашбону ойим айтиди: «Эртаги савдонинг даҳсар оғирлиғи бор», «Кечки экиннинг хатари бор» ва яна айтибдурларким: «Эртаги ишни кечга қўйғудек эмасдур».

Анда Бойўғли билдиким, тадбирнинг енги билан тақдирни яшуруб бўлмас эркан. Ўрнидин туруб, Кўрқуш олдиға чиқди.

Кўрқуш айтиди: «Бўримусиз, тулки?»

Анда Бойўғли айтиди: «Бу дафъа боринг, дахи бир жавоб олурсиз, илгари ўтган яхшилардин бир масал қолибдур: «Ёлғиз отни чанги чиқмас, чанги чиқса ҳам, донғи чиқмас ва яна: «От олсанг уйинг бирла кенгаш»,— дебдурлар. Мен ҳам қариндош-уруғумни йиғиб, машварат айлаб анга яраша сизға жавоб берсам керак»,— дебди.

Анда Кўрқуш айтиди: «Хайр ишиға ҳеч истихора ҳожат эмас, Нечукким Хўжа Ҳофиз Шерозий⁴ айтибдурларки:

Дар кор хайр ҳожати ҳеч истихора нест»⁵.

Анда Бойўғли айтиди: «Боламинг ихтиёри қўлидадур».

¹ Гунашбону ойим турмуш қизларининг энг яхшиларидандир.

² Жавоб бермай индамай турганимни шундай тушундингми?

³ Совчи бўлган кишининг яхшилиқ иши ҳақидаги сўзлари шундай бўладими?

⁴ Хўжа Ҳофиз Шерозий — форс шоирларидан бўлиб, 1369 йилда вафот этган.

⁵ Яхши ишни бажариш учун фол очиб ўтиришнинг кераги йўқ.

Анда Кўрқуш айди: «Андоғ бўлса, бир чучук жавоб беринг, англаб бориб жавоб берай», — деди.

Анда Бойўғли айди:

«Дар ҳама кор машварат бояд,
Кори бемашварат накў нояд»¹.

Анда Кўрқуш айди: «Машварат бағоят яхшидур. Лекин до-нишлик бирла қилмоқ керак², боргоҳ ақлу донишдиндур. Хирад сар чашмасидин кўр³, эл изоси анга машхур⁴; оч юриб кекирган, огзи бирла ишини битирган, гоҳ бечорлиқга иқрор, гоҳ ўзини Таҳматан олувчи баҳодири жаррор⁵; муфт топилганда ошар, ичи пўк, кўзи кўк нодонларга Умар иёр, донишмандлар сафида бир нақши девор⁶, элга маълум ва машхур Муҳаммад Содиқ заргарнинг ўғли паришон рўзғорга кенгашиб, бизни аро йўлда қўйманг».

Анда Бойўғли айди: «Фаросат оёғи оқсоқ, тевадек егани шў-ра ва янтоқ, илгари ўтган сўзнинг бирини минг қилиб сўзларга тоқ, оёғидин осилган сўтқоқ қушга ўхшаш Жалил бўқоқ ошпаз-дек бош аҳмоқ эмасман. Кўбга кенгаш, ўз билганингни қил дебдурлар».

Алқисса, Кўрқуш бу навбат фараҳ афзони эшитиб⁷, хурсанд бўлиб, Япалоқ биби манзилига етди. Бойўғлининг анчаким, му-ҳим хайрға рағбати бор эрди, баён қилди.

Алқисса, Япалоққушнинг бир Қарға дўсти бор эрди: Шўра-нул, қушлар кўзиға гўл, ўз ишиға пишиқ, ҳаромзодаи таррор, ўғри мишиқ⁸, ҳариф айёр солор, давлатмандлар аснофида мум-сик беор⁹, ҳар мурда устида тайёр, йигирманинг бешини муста-ҳақға бериб, ўн бешини қўйниға урган, тумшуғи шоҳ Зокирбой кафшфурушнинг тумшуғига ўхшар экан. Ушал диёрда Малики Шоҳинки, қушларнинг шоҳлиғи анга мансуб эрди ва Кулонкир

¹ Ҳар бир ишда маслаҳат лозим, маслаҳатсиз иш яхши эмас.

² Уйлашиб, ақл билан маслаҳатлашмоқ керак.

³ Ақл булоғи билан кўриб, подшо саройи (боргоҳ)ни ақлли ва билимдонлар билан тўлдир.

⁴ Шундай бўлмаса, халқнинг таъна қилиши турган гап.

⁵ Баъзан ўзини Таҳматан (Рустамнинг лақаби) деб билувчи кўрқмас қахрамон.

⁶ Билимдонлар қаторида бир девор нақши.

⁷ Кўрқуш шодлик бағишловчи хуш хабарни эшитиб...

⁸ Мушук.

⁹ Бойлар орасида беор, бахил.

султон анга дангалнишин паҳлавон эрди¹, Шўранулни Малик Шоҳин жанобиға севинчиға чоптурди. Манозил ва мароҳил тай қилиб; Малик Шоҳиннинг боргоҳиға келиб, таъзим ва тавозиъ бирла салом қилиб, Япалоққушнинг руқъасини узатди. Малик Шоҳин нома мазмунини англаб, бир замон таваққуф айлаб² айдики: «Сени юбормаса бўлмасмуди?»

Анда Шўранул айди:

Сарнавишти аҳли маъно чун қалам бошад сиёҳ³.
Эй подшоҳи олампаноҳ, ўзлари маъни фойдасидин бебахра эканлар. Сизга сурати ёмон бўлса, маънонинг гули бўлса ҳам, хуш келмас экан. Андоғ бўлса, сўфи Қўчқордек бўлса, нодон, ҳақ сўз анинг олдида ёлғон, эрта-кеч қўлида тасбиҳ, вирди анинг ҳарза сафиҳ, суратда ҳеч ками йўқ ва маъно бежо кетса, ғами йўқ⁴ ва гоҳо кампирлардек энгашган, сочбоғи ер супурган ва тоқясини чеккасиға осган. Олурда ҳисоби тўққуз, берурда саноғи ўттуз; тўғри сўзга тўғоноқ, изо ва кулфатга ёвуқроқ⁵, макр ва ҳийлада шайтондин муфсидроқ, кўрунмоқға юзсиз, сўзи тузсиз; ёзда совуқ, қишда иссиғ, шарорат пешаликда Ҳомондин⁶ шадидроқ⁷, курк товуқдек сувга пишарға ўнгроқ⁸, одамизод аросида Сайд Азимхон манзур бўлса, мен андин аҳмоқроқму?» — деди.

¹ Уша мамлакатда Малик Шоҳин деган бўлиб, қушларнинг шоҳлиғи унга тегишли эди («қушларнинг подшоси эди» маъносида) ва Кулонкир султон унинг юқори даражадаги, ҳурматли паҳлавони эди...

² Бир қанча вақт тўхтаб, бир оз жим қолиб.

³ Илм аҳлининг бахти қалам сингари қора.

⁴ Ҳар кун қиладиган иши бемаънилик, нодонлик, ташқи кўринишида камчилиги йўқ, бирор сўзнинг маъноси нотўғри кетса ҳам ғам чекмайдиган...

⁵ Бировни уялтириш ва кулфатга солишга яқинроқ.

⁶ Ҳомон — Фиръавн вазирининг номи, золим ва бахил одам бўлган.

⁷ Ёмонликни одат қилиб олишда Ҳомондан шиддатлироқ.

⁸ Одатда товуқ курк бўлганда тухум қилишдан қолади, бундай товуқларни куркликдан қутқариш учун сувга пишадилар. Курк товуқ ўжарроқ бўлади, одамларга югуради; ёки курк товуққа тухум бостирадилар, у жўжа очади, ўшанда ҳам ўжарлиги қолмайди. Ўжар, баджаҳл, нодон, сассиқ одамларни шундай курк товуққа ўхшатилади, уни ҳам сувга пишиб олишни маъқул кўрадилар.

Малик Шоҳин айди: «Бораколлоҳ, ўз айбин билган мард-дур»¹. Малик Шоҳиннинг Кордон отлиғ хазиначиси бор эрди. Анга буюрдиким: «Бизнинг жонибдин султон Кулонкир дангал-нишинимга тўйнинг асбобини муҳайё қилиб бер»².

Алқисса Кордон камари ҳимматни ғаравдек³ неча ердин боғлади. Сўнгра замон тафаккурга бориб айдиким: «Авлороқ улким, ўзим бориб Бойўғлига учрасам, ҳар на тилаган маҳри-нинг тараддудида бўлсам⁴, ўз қулоғим бирла эшитсам, анга яра-ша тўй тараддудида бўлсам⁵. Харжи исроф бўлмағудек бўл-сун»⁶,— деб борурга азм қилди⁷.

Кордоннинг жойидин Бойўғлининг маскани узоқ эрди, балки муддати сафар эрди⁸. Сафар яроғини беками кўс қилмоқ ке-рак...⁹ Бурунғилар дебдурлар: «Тўйга борсанг тўйиб бор, тўрқа тўйнинг кийиб бор», уйдин ғамланиб чиқмоқ керак¹⁰, нечукким: «Уйдаги сўз бозорга рост келмас». Уён Бойўғлининг уйи бўлса, сичқон суягидин бошқа нимарса бўлуши зоҳир ва маълум эмас¹¹.

Алқисса, Кордоннинг ўзига сафар ва ҳазарда ҳамроз ва ҳама атвори писандида ва ҳаракатлари мақбул, отасидин қол-ган Турумтой тез парвоз¹², сўз келганда жилов сақламай рўбарў

¹ Киши ўз айбига иқрор бўлса, у киши марддир.

² Тўйга керакли асбобларни тайёрлаб бер.

³ Қалам учун ишлатиладиган қамш. Бу қамишнинг ҳар жой-ҳар жойида бўғини бўлади; Кордон саҳийлик камарини қалам қамишдек неча ердан боғлади; бу ўринда Гулханий Кордонни ғоят саҳий, қўли очик қилиб кўрсатади, шунинг учун «саҳийлик камарини қамишдек неча ердан боғлади» иборасини ишлатади.

⁴ Қандай маҳр тиласа, шуни беришга ҳаракат қилсам.

⁵ Тўйнинг ҳаракатида бўлсам.

⁶ Сотиб олинган нарсалар исроф бўлмасин.

⁷ Боришга бел боғлади.

⁸ Узоқ сафар эди.

⁹ Сафарга керак бўладиган нарсалар беками кўст бўлиши керак.

¹⁰ Уйдан ҳамма нарсани гамлаб чиқмоқ керак.

¹¹ У ёғи Бойўғлининг уйи бўлгандан кейин, унинг уйда сичқон суягидан бошқа нарса бўлиши равшан ва маълум эмас. Маълумки, бойўғли кечаси ухламайди, хунук товуш билан сайрайди. Сичқон, каламуш, юмронқозиқ каби ҳайвонлар оидин кечаларда изғиб қоладилар, мана шундай вақтда бойўғли (бой-қуш) уларни овлайди ва ўз уясига олиб бориб ейди.

¹² Турумтой тез учар.

этгувчиси¹ бор эрди. Бозорға чиқтилар: Эрта кун кеч бўлди, офтоб пешин жойиға етди. Анда Турумтой айди: «Эй тўрам, сизнинг кирдикорингизни одамизод орасида Холбоқи мисгарга ўхшатурман».

Кордон айди: «Эй аҳмоқ, бу нима деганинг?»

Турумтой айди: «Андоқ эшитганим борки, одамизод фарзандидин Холбоқи мисгар деган бир кўкнори бор эрди, намозшом вақтида бировнинг меҳмонхонасиға таом устида ҳозир келибдур. Мардумлар 'суфрани қуршаб ўлтирур эрдилар², шул аснода азон овози келди. Кишилар айдилар: «Аввал намоз ўқуб, сўнгра таом тановул қилали³. Ҳар ким намоз ўқимаса, таом емасун»,— дедилар. Холбоқи мисгар намоз учун ер ўпгани йўқ эрди⁴. Уридан туруб, таҳорат қилиб, намоз ўқуб, сўнгра нафсини маломат қилиб, даржанг бўлуб⁵, айтур эрдиким: «Эй тош кемургур нафе, менинг кўкнори ҳолимға боқмай, қўл-оёғимға совуқ сувни сазовор этиб, рангимни қаҳрабодин⁶ ўткариб, охир мени намозхон айладинг!» Сиз анга ўхшабсиз. Сиз ўз нафсингизни биткоринг ё султон амрини. «Икки суюклик бир кўнгулга сиғмас» — дебдурлар ва яна яхшилар дебдурки: «Икки кема тутган қолди ғарқоб ичинда, чиқмас ул денгиздин бир кема тутмагунча».

Анда Кордон айди: «Эй беадаб шум, хўжайинга насиҳат қилғувдек бўлдингму? Қадимғи яхшилар анинг учун дебдурларки: «Етим ўғул сақласанг, оғзи-бурнинг қон этар, етим қўзи сақласанг, оғзи-бурнинг мой этар». Ва яна айтибдурларки: «Эма билган қўзилар икки онани эмар, эма билмас қўзилар ўз онасини эмолмас». Камина ўз нафсимни ҳам хушнуд қилурман ва ҳам султон амрини. Сен хўжайинга танбиҳ берғувдек бўлдингму?»

Анда Турумтой айди: «Тақсир афандим, хато қилдим, оғиз ошга етганда бурни қонаган мен бўлдим. Эшитганингиз йўқму илгари ўтганлардин масал қолибдурким: «Арғумоқ от бўлмас озған сўнг, хўжаси қулиға боқмас ёзғон сўнг». Лекин ҳар қанча қулнинг хатоси ҳам бўлса, подшоҳнинг андин ортиқроқ афву атоси бўлур. Хуршид оламтоб заррапарварлиқ ойинини қўлдан

¹ Сўз навбати келганда тортинмасдан қаршисида ўтирганга айтаверадиган.

² Одамлар дастурхон атрофида ўтирган эдилар...

³ Аввал намоз ўқиб, кейин овқат ейлик.

⁴ Холбоқи мисгар намоз ўқимас эди.

⁵ Нафсини ёмонлаб, тажанг бўлиб...

⁶ Рангимни саригдан ҳам ўтказиб...

бермас;¹ бандаликнинг бўстони берангму бўлур², офтобнинг заррасидин ор ва нанги бўлурму?»³

Алғараз Турумтой айдики: «Эй хожа, мен Ёдгор пўстиндўздин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар»⁴.

Анда Кордон айди: «Бу сўзларга Ёдгор пўстиндўзнинг нима дахли бор турур?»⁵ Муниг тафсилени баён қил!»

Анда Турумтой айди: «Одамизод орасида Ёдгор булотқи, деган бир одам бор эрди. Гоҳо ўзини ўткур сўфи от қўюб ва гоҳо соҳиби донишманди рўзгор⁶ олиб дер эрдиким: «Ўн ёшимда ҳазрат Нуҳнинг об азобда қилгон кемаларини ясарда ёғоч тутушиб эрдим»⁷. Ва айтур эрдиким: «Ўн беш ёшимда ҳазрат Иброҳимни Намруд алайҳиллаъна манжиниққа солиб ўтға отарда бир поясини тутушқон мен эрдим»⁸. Ва гоҳо дер эрдиким: «Йигирма беш ёшимда Хўжа Аҳмад Яссавийнинг⁹ марқадларини қилурда лой ташиб, хишт берган мен эрдим»¹⁰. Ул вақтда ўлтурган жўралари айтур эрдиким: «Эй Ёдгор ака, рост сўзлагил», десалар, «Муҳаммадқули Баҳодирдин бўлакни билсам, худо урсун, дер эрди. Мен хабардор бўлсам, андин ҳам ўткариб сўзлабман ўх-

¹ Дунёни ёритувчи қуёш энг майда жониворларни тарбиялаш одатини қўлдан бермайди.

² Қуллуқ қилишнинг гулзори рангсиз бўладими? Кишининг ўз айбини билиб узр этиши хилма-хил гулларга тўлган гулзорга ўхшайди.

³ Офтобнинг нурида ор ва номус бўладими? Узр этган киши офтобнинг нурига ўхшайди, у ор ва номусли бўлгани учун, узр этади.

⁴ Мен Ёдгор пўстиндўздан ҳам ўтказиб сўзлаганга ўхшайман.

⁵ Нима дахли бордир?

⁶ Турмуш билимларининг эгаси.

⁷ Нуҳ замонасида катта сув тошқини бўлиб, бутун дунёни сув босади. Нуҳ кема ясайди. Мана шу воқеа эсга олинади. Ёдгор булотқи «Нуҳнинг кемасига ёғоч келтириб бердим», деб ёлгон сўзлайди, чунки Нуҳ пайғамбар неча асрлар илгари ўтган, уни Ёдгор булотқи кўрган ҳам эмас.

⁸ Бобил мамлакатиининг подшоси Намруд Иброҳим пайғамбарни манжиниқ (тош солиб отадиган қурол)қа солиб ўт (олов) га отади. Гўё Ёдгор булотқи Иброҳим пайғамбарга ёрдам берган эмиш.

⁹ Хўжа Аҳмад Яссавий — ўн биринчи асрда ўтган диний-мистик адабиётнинг вакили.

¹⁰ Йигирма беш ёшида Хўжа Аҳмад Яссавийнинг қабрини қуришда лой ташиб, гишт бериб турган эмиш, Ёдгор булотқи бунда ҳам ёлгон сўзлайди.

шар». Ва яна айди: «Эй тўрам, бу сўзга ҳам қулоқ солгилки, Ёдгорнинг пўстин тикканини кўрсангиз, чокидан бармоқ ўтар, харидор ушлаб кўриб дер эдики: «Бу қандоғ тикиш?» Ул жавоб бердиким: «Мушт ўтмаса, яхши тикиш»,— дер эрди... Ваҳ яна мен хабардор бўлсам, андин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар. Андоғ бўлса ҳам, ўз қуллари афв қилғувдекдур»,— деб бўюн сунди¹.

Кордон айди: «Сунган бўюнни қилич кесмас»,— дебдурлар, гуноҳингни ўтдим. Сенинг ҳолингга мулоҳиза қилсам², кам сафарликдин бу сўзларни айтдинг, сафарда кўб тажриба ҳосил бўлур, магар сен «Қалила ва Димна»дин беҳабар ўхшарсанки, Бозанда ва Навозанда қиссаларини сенга баён айлай.

Турумтой айди: «Оғзингдан ўргулай, тўрам, баён қилинг!»

Кордон айди: «Илгари айёмда икки кабутар бор эрди, бирини Бозанда, бирини Навозанда дер эдилар ва иккови кеча-кундуз бир ошёнда дамсоз ва бир кошонада ҳамроз эрдилар. Бир куни Навозанда Бозанданинг юзига боқди, осори малолат андуҳ пешонасидан мутолаа қилди³. Айди: «Эй кўзимнинг нури ва эй маҳзун кўнглимнинг сурури, замиринг кўзгуси хира, юзинг шиои тийра кўринур, айём нофаржомдин нелар кўрдунг ва нелар тегди?»⁴

Анда Бозанда айди: Бурунғилар сўзидурки: «Арзон кира⁵ шаҳардин овора қилур». Ҳеч зод ва роҳила менда йўқ⁶. Сафар қилмоқ дағдағаси бошимга тушубдур⁷. Жон тўтиси тан қафасиндин парвоз қилур»⁸.

Навозанда айдиким: «Ҳайҳот, бу хом тарвузни қўлтуғингга олмаки, бу хаёли фосиддур, дунё арусидек оразинг қизартиб,

¹ Бўйинини эгди.

² Сенинг ҳолингга ўйлаб кўрсам.

³ Бир куни Бозанда Навозанданинг юзига боқди, унинг пешонасидан ғам-қайғу билан сиқилганини сезиб қолди.

⁴ Эй кўзимнинг нури ва эй қайғули кўнглимнинг шодлиги, дилинг ойнаси хира, юзинг шуъласи қоронғу кўринади, бахтсиз замондан нималар кўрдинг ва сенга нималар таъсир қилди?

⁵ Кира — бирор оғир юкни арава ёки от-эшакда олиб борилса, шунга тўланадиган ҳақ.

⁶ Менинг на авлодим ва на от-уловим бор.

⁷ Сафар қилиш ташвиши бошимга тушибди.

⁸ Бу иборада жон — тўтига, тан эса қафасга ўхшатилади. Яъни тан қафасида тутқун бўлиб ётган жон — тўти қафасда чиқиб учиб кетишни истайди.

кўнгил ичида чекканни чиқаргил...¹ Эй ёри азиз, сафар қилмоқ икки ҳолатдин ташқари эмас: бири ватанда авқоти кечмасдин ва яна бири — изо ва иҳонатдин сафар ихтиёр қилурлар»².

Бозанда айди: «Қадимги яхшилардин бир сўз қолибдур:

Ҳар кимки сафар қилса, писандида бўлур,
Хуршид каби зиёи ҳар дийда бўлур,
Оламда нимарса йўқ сувдин тотлиғ,
Бир ерда мақом этса агар, ганда бўлур»³.

Осмонки, ҳамиша сафарда — шамс ва қамар ва савобит ва сайёраси сафардадур⁴. Ерки, ҳамиша соҳиби сабр ва сукундур, поймоли ҳар аҳли дундур⁵. Гардун била кўкга боқ ва фикр эт⁶. Кўк сурати бирла ер нечукдур⁷. Бу икки олами боло ва асфалнинг орасида кўб фарқ содир бўлур⁸. Дарахт бўстон ичра таҳаммул қилмаса эди, жафойи арра ва болта изосини кўрмас эрди»⁹.

Навозанда айди: «Дарахтни ўзга жойга ўрнатсалар кўкармас».

¹ Сафар қилиш ҳақидаги фикринг хомдир, бу бузуқ хаёлдир; дунёнинг гўзаллигига алданиб, қизариб қолмагин, кўнгилнингдаги фикрларни баён қил.

² Икки ҳолдагина сафар қилиш мумкин: бири яшаб турган ватанида қийинчилик туфайли кун кечира олмасликдан; ва яна бири одамларнинг ноҳақ масхара қилишларидан, камситишларидан сафар қилишни истаб қолади.

³ Ҳар кимки сафар қилса, маъқул иш қилган бўлади. Сафар қиладиган кишининг кўзи нурли бўлади.

Оламда сувдан ширин нарсаси йўқ.

Лекин у бир ерда туриб қолса, сасиб қолади.

⁴ Осмон ҳамма вақт юриб туради, шунинг учун ҳам ундаги қуёш ва ой, турғун ва сайёра юлдузлар ялтировчи, нур сочувчидир.

⁵ Ер эса ҳамиша сабр эгаси ва ҳаракатсиздир, шунинг туфайли ҳар бир разил уни топтайди, оёқ ости қилади.

⁶ Тақдир билан осмонга боқ ва ўйлаб кўр! Осмон кўриниши қандаю, ернинг кўриниши қандай?

⁷ Бу ўринда Гулханий ер ҳаракатланмайди, осмон эса унинг атрофида айланади, деган нотўғри диний қарашга асосланган.

⁸ Баланд олам билан ер орасида кўп фарқ кўзга ташланади.

⁹ Дарахт бўстон ичида сабр-тоқат қилмаса эди, арранинг жафосини ва болтанинг азобини кўрмас эди.

Анда Бозанда айди: «Бадахшонда лаъл маъданийдур ва Яман ақиқнинг конидур... Ақиқ Ямандадур ва лаъл Бадахшонда, ҳар иккиси то сафар ранжини чекмагунча, лаъл ва ақиқ нақшдин ва ранг тароватидин¹ қолибдур, дерлар».

Анда Навозанда айдиким: «Сафарга кўб ҳарис бўлмаки, анда бир нуқта зиёда бўлса, сақар бўлур². Сафарда рафиқ керак... Яхши рафиқ бирла юрсанг, саодат топарсан ва ямон рафиқ бирла шақоват. Далилидур: нечукким Сангпўшт бирла Чаён ҳамроҳ бўлгондек».

Анда Бозанда айди: «Қандоғ эрди, сўзлагил».

Навозанда айди: «Андоғ эшитганим борки, Сангпўшт Ироқдин Ҳижозга борур эрди. Йўл узасида ночор бир Чаёнга йўлдош бўлди. Иккиси заруратдин ҳамроҳ бўлдилар. Аммо Сангпўшт бағоят фаросатлик эрди. То баҳаддики, кўб сафарларда яхши ва ямон бирла юруб, кўб тажрибалар ҳосил қилган эрди³. Аммо Чаёнга инон ихтиёрини бериб, бодиялар қатъ эдуб ва мароҳил тай қилиб юрур эрди. Ушал аснода ногоҳ бир наҳри азимга дучор бўлдилар. Андин ўтар иложини топмадилар. Тафаккур яғчи кўприк бўлурға ожиз ва тадбир қамиши сол бўлурга ножониздур⁴. Охирулъамр, Сангпўшт... мурод ҳадафига макрун бўлуб⁵, шиноварлик бирла муддао истидъосининг соҳилига ўзини олди⁶,

¹ Ақиқ Ямандан ва лаъл Бадахшондан чиқади, ҳар иккови сафар машаққатини чекмаса, («бошқа мамлакатларга бориб етмаса» маъносида) лаъл ва ақиқ гўзал ва тоза рангли бўлмайди, дейдилар.

² «Сафар» сўзига кўп берилмагин, чунки бу сўзга яна бир нуқта қўшилса «сақар», яъни «дўзах» сўзи ҳосил бўлади. Араб ёзувида «сафар» сўзи «سفر» тарзида ёзилади. «ф» (ف) ҳарфига бир нуқта орттирилса, у «ق» — «қ»га айланиб, ҳосил бўлган сўз энди «سقر» («сақар») деб ўқилади. Бу сўз эса ўзбек тилида «дўзах» маъносини билдиради. Гулханий бу ўринда ана шу хил сўз ўйинидан фойдаланиб, «Сафарга кўп ишқибоз бўлмагинки, бирор ортиқча иш қилиб қўйсанг, сафарда дўзах азобини тортасан», деган маънони ифодалайди.

³ Кўп тажрибалар орттирган эди.

⁴ «Ўйлаш билан кўприк қилиб бўлмайди, ҳар қандай чора билан қамишдан қайиқ ясаб бўлмайди» маъносида.

⁵ Ниҳоят, Тошбақа мурод нуқтасига яқин бўлиб (мурод мақсадига етиб), («ўз истаги томон интилиб» маъносида).

⁶ «Сузувчилик билан муддаоли бўлган қирғоққа чиқиб олди» маъносида.

ғоз ва ўрдакдек силкунуб турди. Ногоҳ орқасига боқди, кўрдик, йўлдоши йўлда ҳорғон... найзасини кифтига тик ушлаб, юқори-қуйи юрибдур¹.

Сангпўшт айдиким: «Эй биродар, мавжуб недурким, буён ўтмайси?»²

Чаён айди: «Кўз ёшича сув бўлса, бизга маъзур тутинг»³.

Сангпўшт кўнглида айдиким: «Йўлдош бўлмоқ шарти эмаски, оз ҳодиса бирла ҳамроҳлик расмини бартараф қилсам, унча хўб эмас⁴. Авло улдурким, ўткариб қўйсам⁵. Қадимги яхшилар масалидурким: «Яхшилиқ қил — сувға сол, сув билмаса, болиқ билур, болиқ билмаса, холиқ билур».

Алқисса, Сангпўшт чўлғочини қўлига олиб, оз ҳаракат бирла ўзини соҳилга олди, айди: «Эй биродар, сени дарёдин ўткаргали ўғрадим⁶. Менинг устимга мин, бежо ҳаракат қилмаки, ўз жонингга жабр қилурсан»⁷.

Анда Чаён айди: «Ҳар ким ўз маслаҳатини ўзи билур»⁸,— деб Сангпўштнинг орқасига минди. Дарёга тушуб оқдилар. Замондин сўнг Чаён тебрана берди. Сангпўшт айди: «Бу бежо ҳаракатдин муддаонг нимадур?»⁹. Чаён айди: «Бугун майдонингни васиъ топдим¹⁰. Бурунги яхшилар: «Эшак ўюни қирқ йилда»,—

¹ Чаён... найзасини тик ушлаб («думини гажак қилиб» маъносида) юқори-паст юрар эди.

² Эй биродар, бу ёққа ўтмаслигининг сабаби нимадир?

³ Чаён намли жойларда яшамайди, у қуруқ жойларда, қоқ пахсаларнинг орасида яшайди, шунинг учун у «Кўз ёшича сув бўлса, бизга маъзур тутасиз» дейди, яъни бу дарёку, кўз ёшича сув бўлса, бизни кечирасиз», деб ўзининг дарёдан ўтолмаслигини баён қилади.

⁴ Озгина ҳодиса (қийинчилик) билан ҳамроҳлик одатидан воз кечсам, бу йўлдошликнинг шарти эмас, унча яхши бўлмайди.

⁵ Яхшироғи шуки, ўтказиб қўяй.

⁶ Эй биродар, сени дарёдан ўтказиб қўйиш учун йўқлаб келдим.

⁷ Менинг устимга мин, ноўрин ҳаракат қилма, акс ҳолда ўз жонингга жабр қиласан.

⁸ Мен маслаҳатга муҳтож эмасман, менга маслаҳат берма.

⁹ Бу ўринсиз ҳаракатдан мақсадинг нима?

¹⁰ Майдонинг кенг экан. Майдондан мақсад тошбақанинг уст косаси, «восиъ» — «кенг», демакдир; Тошбақанинг уст косасини Чаён кенг майдон деб атайди.

дебдурлар. Бугун пўлод найзамни якжирма қалқонингга¹ озмоиш қилай дерман»².

Сангпўшт айди: «Ғолибо улдурки:

Ўз дўсти дилин реш айлағай жаҳлдин,
Ҳар кимки ўз муштин урар деворга³.

Сенинг бу хор сифат найзайи бемажолнинг менинг бу якжирма қалқонимга нима кор қилсун?»⁴

Анда чаён айди: «Билганинг йўқмуким, ақрабнинг муддаоси ниш урмоқдур хоҳ дўст кўксинадур ва хоҳ душман орқасина»⁵.

Ҳар кимки, одати нечук бўлғай,
Беиродат зуҳур этар андин,
Тошдин неш аёри йўқ ақраб,
Гарчи мундоқ демак ажаб сендин⁶.

Сангпўшт айди: «Яхшилардин бир масал қолибдурким: «Инонмагил дўстунгга, сомон тиқар пўстунгга», «Ошнангдин топ» дегандек, дўстум, сув узра хасдек юрмоқ токай?»⁷ Бу баҳри амиқ жавоҳирларин тамошо қилмоқ керак», деб ғаввослардек бир ғўта урдиким, ул жавоҳир термоқда ва Чаён жон бермоқда қолди⁸. Бу масални анинг учун келтирубдурким: «Аслнинг хато-си бўлмас, ножинсининг ошноси бўлмас», «Бўйнида илллати бор-

¹ Қалқон — қаттиқ маъдан (металл)дан ишланган қилмч, найза ва ўқни ўтказмайдиган уруш асбоби, бу қурол тўғарак шаклида бўлади. Чаён эса Тошбақанинг устидаги қосасини қалқон деб атайди. Бу қалқон ҳам Тошбақанинг бошқа аъзоларини турли фалокатдан сақлайди.

² Бугун пўлат найзамни гавданг устидаги қалқонингга уриб, бир синаб кўрсам дейман.

³ Ҳар ким жаҳл ва нодонлик билан ўз дўстининг дилини яра қилса, у ўз муштини деворга ургани бўлади.

⁴ Сенинг бу тиконга ўхшаган кучсиз найзанг менинг жасадимдаги (қалқонимга) қандай таъсир қилсин?

⁵ Билмайсанми, Чаённинг мақсади хоҳ дўстнинг кўксига, хоҳ душманнинг орқасига найза санчишдир.

⁶ Ҳар кимнинг одати қандай бўлса, беихтиёр шу одатни қилаверади. Сенинг гапинг ажабланурли бўлса ҳам, Чаён чақишга келганда тошни ҳам аямайди.

⁷ Дўстим, токайгача сув юзида хасдек юрамиз?

⁸ Чуқур дарёнинг қиммат баҳо тошларини томоша қилмоқ керак, деб сув тагига шўнғувчилардек бир шўнғидики, у (Тошбақа) қимматли тошлар тера бошлади, Чаён эса жон берди.

нинг оёғи қалтирайди». Бу сўзнинг ниҳояти узоқдур, лекин мақсуд қўлдин кетар. Сўз мақсудига келдук¹.

Алқисса, Кордон бирла Турумтсй сафар анжомини муҳайё қилиб жўнай бердилар². Қатъий манозил ва мароҳил тай қилиб, Қубод шаҳристониға етдилар. Бойўғли ошиёниға келиб қўндилар. Бойўғли буларнинг келганидин огоҳ бўлуб, олдиларига чиқиб: «Хайри мақдам, хуш келибсизлар!»— деб гарди роҳларини қоқиб, меҳмонхонаға чироғлар ёқиб, палослар солиб, аларни қўндуруб, учоқға ўтун қалай бошлади. Ул чоғда ҳаво эътидоли ўтиб, қиш замҳарири ёвуқ эди³. Совуқ касратидин ҳар чанд «пуф-пуф қилди, ёнмади...⁴ Бойўғли айди: «Кўринг, қарилгимнинг боши, эсим йўқидин ўтни ёқолмадим»⁵.

Анда Кордон айди: «Эшитганим борки: «Шайхнинг ҳунари бўлмаса, хонақоҳ танг» ва яна яхшилардин бир масал қолибдурки: «Қаловин топса, қор ёнар, қаловин топмаса, қоқшол ўтун ҳам ёнмас». Ўт ёқарни билмайсиз, бизга қандоғ муомала қилурсиз?»

Бойўғли айди: «Тожиқнинг бир масали борки: «Ёреки аҳласт, кори ў саҳласт»⁶.

Андин сўнг Бойўғли базм асбобини тузуб, руд, уд, даф, най, барбат, қонун; навозанда, созанда жамъ айлаб, меҳмондорлик расмини барпо тутди⁷. Муғаннийлар созларининг қулоғига гўшмол учун қўл солиб, тоб бердилар⁸.

Бир-иков нақора орқасига, дарра бирла қоҳил намозни урган раисдек ура бердилар ва ўтга даф орқасини, ўғрининг орқасини

¹ Сўзни эшитиб ўтираверсак, мақсадга етиб бўлмайди, сўзнинг мақсадига етдик.

² Сафар учун керакли нарсаларни тайёрлаб жўнай бердилар.

³ Бу вақтда ҳавонинг ўрта даражалиги ўтиб, қаттиқ қиш яқинлаша бошлаган эди.

⁴ Совуқнинг кучлилигидан ҳар қанча «пуф-пуф» қилса ҳам ёнмади.

⁵ Кўринг, қарилик бошланиб қолди, эсимнинг йўқлигидан олов ёқолмайман.

⁶ Дўстлар аҳил бўлса, иши осон бўлади.

⁷ Ундан сўнг Бойўғли базм тайёргарлигини кўриб, чолғу асбоблари: руд, уд, даф, най, барбат, қонунларни, ашулачи ва чолғучиларни тўплаб, меҳмондорчилик одатини бажо келтирди.

⁸ Музикачилар чолғуларининг қулоғини бураб созладилар.

тоблагандек, тоблай бердилар¹. Алқисса нағма навосини фаллакка еткура бошладилар². Кордон Бойўғлига боҳиб айди: «Сизнинг била бир парда ичида наво қилали ва бепарда сўзлашмайлуқ»³,— деди.

Бойқуш айди: «Рост айтурсиз, яхшилар сўзидурким: «Сўзни айтгил уққанга, жонни жонга суққанга, айтуб сўзни нетарсан, онадин ямон туққанга». Мазалик сўзга ҳар қанча қулоқ солса бўлур, андоғ айтибдурларки:

«Агар сўз жона пайдо қилмаса сўз,
Ани сўз демагил, эй мажлис афрўз»⁴.

Кордон айди: «Биз камина Малик Шоҳиннинг ҳалқа бағўшларидин бўлурмиз. Бизга андоғ билиндиким, Гунашбону ойимни Япалоқ биби боласи Кулонкир султонга берибсиз, деб эшитдик. Ҳар на тилаган қалинни ўз қулоғим бирла англағоли келдим, тоинки харжи исроф бўлмағудек бўлмасин, эмди на буюурсиз»,— деди.

Бойўғли айди: «Илгари ўтган яхшилар масалидурким: «Қўйнидин тўкулса қўнжиға»,— дебдурлар. Ўз қариндошларимдин киши чиқар. Япалоқ боласи куёвга ҳожат эмас... Кўпак боласига не деб берайин».

Анда Кордон айди: «Эр тилаган ерда азиз» ва яна айтибдурларки: «Қизни ошиқиға бер»...

Бойўғли айди: «Олтуннинг битган ерда қадри бор»⁵ ва «Чангал ўз жойида кун кўрар»...

Кордон айди: «Сен илгари ўтган одамларнинг кирдорин қилмассан... Ҳоло сен ҳозирни кўргил. Масалдурки: «Бугунги нақд ўпка эртаги қуйруқдин яхшидур». Ҳоло сен Япалоқ биби-

¹ Бир-икки киши поғоранинг орқасига намозга бепарво бўлганларни дарра билан урган раисдек, ура бердилар, ўғрининг орқасини қиздиргандек чирмапданинг орқасини ўтда қиздира бердилар.

² Созандалар куй садо (овози)сини осмонга еткиза бошладилар.

³ «Сиз билан бир масала тўғрисида суҳбатлашайлик, лекин гапларимиз маъноли бўлсин, бемаъни гапларни қўяйлик» маъносиде.

⁴ Эй мажлисини қизитувчи, агар сўз жонга таъсир қилмаса, куйдирмаса уни сўз демагил.

⁵ «Олтин қаерда топилган бўлса, ўша ерда кўпроқ қадрланади, баҳоси ўша ерда ошиқроқ юради» маъносиде.

ни кўпақдек дединг, қадимги яхшилардин бир масал борки: «Эгасини сийлаган итига сўнгах ташлар». Сен андоғ дедингким: «Қизим, сенга айтурман, келиним, сен эшит», қилдинг. Сенинг бу сўзинг Ашур йириқ қассобга ўхшар, йўлдин бир ойна топиб, ўзининг номуборак юзини кўруб, ойнани ерга уруб, анга неча айбларни қўюб дер эрдиким: «Яхши матоъ бўлса, йўл узасида турмас эди»,— деб ва айтур эрдиким: «На хорлик сенга зиштлиқдиндур ва зиштлиқ бадсириштлиқдиндур¹. Агар сенинг хирадинг дийдаси хира ва замиринг айнаси тийра бўлмаса эрди, аввал ўз айбингга боқиб, ўзгалар айбини яшурсанг хўб эрди»².

Бойўгли айди: «Менга насиҳат ўргаттали келдингму? Сенинг насиҳатинг қулоғимдин елдек ўтар, селдек чиқар».

Қордон айди: «Насиҳат қулоғингда елдек турмас ўхшар...»

Бойўгли айди: «Ёмоннинг кучи япалоққа етар», дегандек англагонинг йўқмуким, «Англамай сўзлаган оғримай ўлар, чайнамай еганлар кавшамай кетарлар».

Бу сўзни эшитган замон Қордон хазиначининг ғазаб ўти иштиғолланиб, вужуди найистониға ўт тушуб, тутуни гардунға хиром боғлади³. Баҳаддики, хижолат тери тўфон, балки ажуз айёмининг қор ва ёмғури анинг чорасига ҳайрон эрди⁴. Айдики: «Эй абушқа, қуёш жамоли жилвасидин маҳрум, вой туюрлар синфидин маржум... Яхшилардин бир масал қолибдурки: «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қолиб сўзлар»⁵... Мен сени Бойўгли деб эшитиб эрдим, эшитганим кўргандек эмас экан. Мен меҳмон бўлсам, қилган пешомадинг шулдурму?»⁶

¹ Хорлик сенинг ёмонлигингдан эмас, ёмонлик эса ёмон одатдан эмас.

² Агар сенинг ақлинг кўзи хира ва дилнинг ойнаси қоронғу бўлмаса эди, аввал ўз айбингни кўрардинг, сўнгра ўзгалар айбини яширардинг.

³ ...ғазаб ўти алангаланиб, вужуди қамишзорига ўт тушиб, тутуни осмонга кўтарилди.

⁴ Шу даражагача бориб етдики, хижолат тери бўлган тўфон ҳам, энг совуқ кунларнинг қор ва ёмғури ҳам чора топа олмас, қалбидаги ўтни ўчира олмасди.

⁵ Эй қуёшнинг гўзал нуридан маҳрум бўлган ва эй қушлар орасидан қувилган чол, яхшилардин бир масал қолибдурки, «Яхшилар топиб сўзлар, ёмонлар қолиб сўзлар».

⁶ Мен меҳмон бўлсам, ҳурмат қилиб олдимга қўйганинг шуми?

Бойқуш айди: «Мендин ўтди, маъзур тутинг: «Ит қилғонни иторчи қилмас», — дебдурлар... Мен хабардор ўлдимким, Тевадин ҳам ўткариб сўзлабман ўхшар¹.

Кордон айди: «Сўзла!»

Бойўғли айди: «Бир тулки йўлда кетиб борур эрди. Зимистон эрди. Қор ва ёмғур беҳад ёғуб, кўчалар лой эрди. Анда бир Тева лойга йиқилиб, агнаб, шўнғиб, ҳар тора мўйида ботқоқ лой ёлушуб эрди. Ул Тева сорбонга хоби харгўш бериб, бир шўразор жазирага қочиб борур эрди², ул Тулкига дуч келди. Тулки саломлашиб, Тевадин ҳол сўраб айди: «Эй биродари бузругвор, ҳормасунлар, қайдин келурлар?»

Тева айди: «Ҳаммомдин келурман».

Тулки айди: «Боракалло, рост айтурсиз, ҳамма бошдин-аёғингиз гару-тоза ва покиза. Буни аёқларингиздин мулоҳаза қилдимки, гармоба сувини бошинг ва оёғингга ишлатибсан, магар ҳаммомчи ўлган эканму ва ҳаммомни холи кўрдингму?» Яна Муҳаммад Холиқбойнинг бир Сафарбой деган аҳмоқ боғбони бор эрди. Сафарбой тоза, хуш таъм ўрукларнинг шохини кесиб ташлаб, анинг ўрнига аччиғ данак ўрук шохини пайванд қилур эрди ва яна ўсган ниҳолларнинг хўл шохини кесиб, қуруқ шохига пайванд солур эрди. Бу ақл ва фаросати бирла ўзини ҳамма боғбонлардин доно олур эрди...»

Алқисса Кордон айди: «Иш битгувчи маслаҳатни қил».

Бойўғли айди: «Менинг ҳам уруғларим бор, алар бирла маслаҳат қилиб жавоб берурман».

Кордон айди: «Хўб, лекин Хўқанддаги икки Фаж ва Каж³ бемамиздек қариндошинг бирла маслаҳат қилиб, бизни оро йўлда қўймағил».

Бойўғли айди: «Ул икки Фаж ва Каж кимдур? Баён қил!»

Кордон айди:

Ўзин гоҳ мулло олур, гоҳ тақи,

Ниёзча оғалиқ хуш аҳмақи⁴.

¹ Туядан ҳам бемаъни сўзлаганга ўхшайман.

² У туя туякашни чалғитиб, бир шўразор оролга қочиб бораётган эди.

³ Фаж — хом, подон деган маънони, Каж эса қинғир, тескари деган маънони англатади.

⁴ Ниёзча оғалиқ тузуккина аҳмоқ бир одам бўлиб, у ўзини гоҳ мулла, гоҳ диндор қилиб кўрсатади.

Ҳама ишга ёлгон сўзи дастгир,
Сўзин сарф этиб, қорнин айларди сир¹.

Олур гоҳ мулло ўзин, гоҳ амин,
Вале билмагай суҳбати хонабин².

Биров олдиға кирса, дер эрди: «Ҳой,
Чилим сол, буюртир палов, Маллабой».

Бобожон Ашур чўлоқу Али бири,
Хўқанд мулкида аҳмақи нодири³.

Ўзи кўр, равшан юрурди ажаб⁴
Кеча-кундузи жустжўйи талаб...⁵,

Булар бирла ҳар маслаҳат каж эди,
Бу иккиси шаҳр ичра кўб фаж эди⁶.

Анда Бойўғли айди: «Сиз айтган Муҳаммад Амин Хўжа муфти котибдурки, мудом ҳар ишда ўзидин бемаза ва бефаҳм ва беидрок одамга маслаҳат қилур эрди. Хоҳ форсий, хоҳ арабий, ҳар китобки битса, саҳв ва хато ва ғалатдин холи эмас эрди⁷, бовужуди бу ҳама ноқислиги бирла ўзини ҳамадин мулло ва донишманди рўзгор кўрар эрди⁸.

Анда Қордон айди: «Муҳаммад Амин Хўжа муфтининг сифати баён қил».

Бойўғли айди:

Эди исми Муҳаммад Хўжа муфти анинг,
Хати хуш, баён айлайн мен анинг.

¹ Ҳамма ишда унга ёлгончилик ёрдам беради.

Ёлгон сўзлари билан ўз айбини яширади.

² Ўзини гоҳ мулло, гоҳ амин деб кўрсатади,

Аммо уйда ўтириб суҳбат қилишни асло билмайди.

³ Қўқон мулкида чўлоқ Бобожон Ашур Али аҳмоқликда кам топиладиганлардан биридир.

⁴ Ажойибки, Бобожон Ашур Али ўзи кўр бўлса ҳам, кўзи очиқдек юради.

⁵ Кеча-кундуз овқат талаб қилиб қидиргани-қидирган.

⁶ Бу иккала кишининг ҳар қандай маслаҳати нотўғри, тескари чиқади, бу икки шахс шаҳардаги энг нодон, хом кишилар эди.

⁷ Хоҳ форсча, хоҳ арабча китобни, албатта, хато ва янглишлар билан ёзарди.

⁸ Шундай камчиликлари бўлса-да, ўзини ҳаммадан мулло ва замоннинг билимдони деб биларди.

Эрур асли, насли қизилбош, сақат,
Битарди китоб барчасини ғалат¹.

Кичик офтобани давот деб олиб,
Ажаб яхши деб киссасига солиб².

Этиб кибру манлик шаробини нўш,
Қаламдони сандуқчаи дукфуруш³.

Анда Бойўгли айди: «Пешқадам кор озмо қариндошларим бор. Алар бирла маслаҳат қилурман».

Анда Кордон айди: «Гўрга, қариндошларингиз бўлса, оқ халтаси, кўк халтаси бўлмаса; кор озмолар сўзидур: «Қариндошинг келса-келсун, бўз халтаси келмасун»...

Бойўгли айди: «Сопол чинни бўлмас, бегона ини бўлмас»⁴.
Қатъи силаи раҳм ёмондур»⁵.

Кордон айди: «Рост айтурсан. Кор озмолар дебдурким: «Қариндошим қора қозоним». Яна бир масал борки: «Қариндошинг ўлса-ўлсун, қадрдонинг ўлмасун». Эй Бойқуш, ҳоло сен «Кўрпанга қараб оёқ узат». Сен минг чордевордин дам урарсан⁶. Ваҳоланки... Сайид Умархон даврида Фаргона иқлимида «ободлиг»дин ўзга жой йўқ... Дахи тўқол эчки мунгуз тилаб — қулоғидин ва ё бир думсиз эшак дум иштиёқидин йўллар юруб — икки қулоғидин айрилғондек бўлма!»

Бойўгли айди: «Ҳикоят қил!»

Кордон айди:

Будастан хареки дум набудаш,
Рўзе гами бедуми фузудаш.
Дар бодияҳо қадам ҳамезад,
Дум металабиду дам намезад.

¹ Ўзининг асли, насли эронли бўлиб, майиб киши эди: ҳар қандай китобни хато ёзарди.

² Кичик обдастани сиёҳдон деб олади-да, жуда яхши нарса экан, деб чўнтагига солиди.

³ Манманлик шаробини ичарди («манман, мақтанчоқ одам эди» маъносида), қалам солинадиган қутигаси эса дукфурушнинг сандиқчасига ўхшарди.

⁴ «Сопол чинни бўлмайди, бегона эса ука бўлмайди» маъносида.

⁵ «Қариндош-уруғ олдидан ўтмаслик ёмондир» маъносида.

⁶ Сен қалин учун сўраётганга ўхшайсан.

Ногоҳки рӯзи ихтиёри,
Бигузашт миёни киштизоре.
Деҳқон магараш зи дур мезд,
Баржасту варо ду гӯш буррид.
Мискин харақ орзӯи дум кард,
Ноёфта дум ду гӯш гум кард¹.

Мундин нари бир бузуқ чордеворнинг отини тутма. Тишинг синар. Эмди сен ҳам қуюшқондин² ташқари чиқма, суннат бажо келгудек иш қилиб жўната бер. Бир масалдурким: «Етим қизга елпуғуч чикора?» дегандек, ҳоло сен ўзингнинг Қубод шаҳристонингни Қайқубоди сонуб, бизни манзур этмадинг...³

Анда Бойқуш айди: «Парда ичида бепарда сўзларни кўб сўзлаштак⁴, нағма ройгон кетти⁵. Базмдин кейин ҳар қанча қонун навоз гапингиз бўлса, англаса бўлур»⁶.

Соқийи тумтароқлар пиёла суна бошладилар⁷. Бода нашъаси Кордон бирла Бойўғли ранглариға тоққа сув югургандек югурди...⁸

Алқисса, замондин кейин базмлари туганиб, муғаннийлар ол-

¹ Мазмуни: бир думсиз эшак бор эди. У бир куни думининг гамида йўлга чиқди; саҳроларни кезди, дум истаб, унга эриша олмади. Иттифоқи бир кун йўлга чиқиб, экинзорнинг ўртасига тушди. Узоқдан уни деҳқон кўриб қолди ва югуриб бориб, унинг икки қулогини кесиб олди. Бечора эшак дум орзу қилиб, уни тополмади, аксинча, ўзининг икки қулогидан ажралди.

² Қуюшқон — от жабдуқларидан бири. Бу асбоб эгарни отнинг бўйнига тушиб кетмаслиги учун орқа томондан отнинг думи ости орқали тортиб туради. Шу муносабат билан қуюшқоннинг икки учи эгарнинг икки томонидан тортиб туради.

³ Ҳозирда сен ўзингнинг Қубод шаҳристонингни Қайқубоди ҳисоблаб, бизни мақбул кўрмадинг.

⁴ Парда ичида уят сўзларни кўп сўзлашдик, яъни уят сўзларни бир-биримизга тушунарли қилиб хилват жойда сўзлашиб олдик.

⁵ Ашулалар бекорга кетди. («Гап билан бўлиб, ашулаларни эшитолмай қолдик» маъносида.)

⁶ Базмдан кейин ҳар қанча ёқимли гапингиз бўлса, тушунса бўлади.

⁷ Дабдабали, ниҳоятда чиройли кийинган соқийлар уларга май тута бошладилар.

⁸ Май кайфи Кордон билан Бойўғлининг томирларига тоққа сув югургандек югурди.

ганларига қуваниб, оройиш узулиб, маърака бузулиб, эл оёғи тиниб¹, ором учун этакдин оёқ, яқодин бош чиқардилар...²

Алғараз, Кордон айди: «Эй Бойўғли, бизникини қабул қилинг, бизлар кетармиз, Кўрқуш келиб, мунозарани сендин элтур: «Эшак йўли қотқоқда эмас, ботқоқда маълум бўлур»,— деди.

Бойўғли айди: «Синаган ёв урушга яхши».

Анда Кордон айди: «Ёв кетган сўнг, қилични ерга ур».

Анда Турумтойки, Кордоннинг мулозими эрди, Бойқушнинг бунча гуруридин хафа эрди, Бойқушга Кўрқуш яхши айтган бир масални айди:—«Ёмон отга ёл битса, ёнига тўсуқ боғлатмас, ёмон эрга мол битса, ёнига қушни қўндирмас». Турумтой бу сўзни айтиб эрди, Кордон айди: «Иссиғ жон иситмасиз бўлмас». Эй Бойўғли, фарзандингни тозалик вақтида уясига қўндиргил³, нечукким, Амир Навоий дебдурлар:

Онаси била кунда эътироз этган қиз,

Бир ўзгани ўзига аҳли роз этган қиз.

Қайин юрти билан куёвнинг уйини хуш

Кўрмакдин онаси била ноз этган қиз⁴.

Анда Бойўғли дарқаҳр бўлуб айдиким: «Сен менинг қизимнинг ўзга ҳамрози бор дегандек қилдинг. «Яхши топиб сўзлар, ёмон қопиб сўзлар», дегандек бу нима деганингдур?»

Кордон айди: «Ажаб содда аҳмоқ экансан!... Сенинг сўзингни Отабой аминдек бетамиз кишиникига ўхшатурманки, бозордин хотунига кафш олибдур, бир бегона ҳол қассобга кўрсатибдур: «Бу кафш менинг хотунум оёғига лойиқ келурму?» — деб сўрабдур. Ул жавоб берибдурки: «Мен сенинг хотунинг оёғини кўрганим йўқ». Ўзинг аввал аҳмоқсан! Баромади сўз⁵ ўтганларнинг сўзини изҳор қилиб ўтдим. Мен сенинг қизинг атворини билмасман».

¹ Элнинг (одамларнинг) юриши тамом бўлиб...

² Ухлаш учун одамлар кийимларини еча бошладилар.

³ Эй Бойўғли, фарзандингни ёшлик чоғида уй-жойлик қилгил.

⁴ Онаси билан ҳар куни жанжал қиладиган қиз ўзга бир киши билан сирдош бўлган — севишган қиздир. Бегона юрт билан куёвнинг уйини яхши кўрганидан онаси билан хархаша қилган қиздир.

⁵ Сўз келиб қолганда, сўз орасида...

Анда Бойўғли айди: «Ниёзча оғалиқ, Бобожон ва Муҳаммад Амин хўжа муфтиқи, мазкур бўлди, бу уч аҳмоқнинг маслаҳати бирла иш қилиб, аро йўлда қўйманг дерсан, менинг боболарим ҳазрати Сулаймон бирла мунозара қилгон кишидур».

Кордон айди: «Отадин дам урма, панд ерсан...¹ Бир масал борки: «Ота сўраб нетарсан, эрнинг ўзи бўлгон сўнг, йўл сўраган номарддур, от устина минган сўнг». «Ишни ўз ақлинг бирла қилса бўлурму?»

Анда Кордон ноумид бўлуб, Кўрқушнинг ошёнасиға қадам қўйди. Кўрқушни кўрган ҳамон қақшаб айди: «Ҳар ким Кўрқуш сўзига кирса, биз кўрган ҳақоратларни кўрар ва биз тортган машаққатларни чекар».

Анда Кўрқуш айди:

«Тиконсиз гул, садафсиз дур, машаққатсиз ҳунар бўлмас, Риёзат чекмагунча, ёр васлиға етиб бўлмас».

Яна бир масал борки: «Эр бошиға иш тушса, ўтук чечмай сув кечар, от бошиға иш тушса, сўлуқ бирла сув ичар». Ишларни биткариб келдингизларму?»

Кордон айди: «Биздин баланд нимарса тилади, биз ожиз келдук»².

Кўрқуш айди: «Бойўғли жавоби нима бўлди?»

Кордон айди: «Бойўғли айтурки, «Минг чордевор тоқчасига-ча хок ва нақшу нигор қилинган ва ҳеч Бойўғли сояси тушмаган бўлса унарман³ ва илло мундин бир чордевор кам бўлса, унамасман». Ул «тоқча» деди, биз «мўри» дедик, жўнай бердук».

Кўрқуш айди: «Сенинг исмингни Кордон қўюбдурлар — иш-ни билиб қилсанг керак эди ва ҳеч иш билмас экансан. Кордон исмингининг аксини қўйсалар керак эди. Мовароуннаҳрда⁴ Амир Умархон⁵ турган Ургут, Работ, Пўшағурбек, Хайробод. Булардан шаҳри Қубод рашк айлаб, адам сари юзланди. Сендек давлатлик орқамда бўлганда эди, Бухоронинг ҳар туманидин минг чордеворни топиб, бирдин муҳим хайр ишини биткарар эрдим. Сенинг кордонлигинг кулол мўндида сув ичгандек ва ё «Бўзчи белбоққа ёлчимас», дегандек бўлди.

¹ Отадан гапирма, шикаст ейсан.

² Бизнинг кучимиз етмади.

³ ...ва бирорта Бойўғли кирмаган бўлса кўнаман.

⁴ Амударёнинг ўнг қирғоғидаги жойлар.

⁵ XIX аср Қўқон хони.

Анда Кордон айди: «Ев туби эл бўлур, жар туби йўл бўлур», «Қуда бўлса, қул бўлса ҳам сўзлаш». «Қуда бўлдуқ, жудо бўлдуқ», деган сўзга йўқмиз».

Анда Кўрқуш айди: «Масалдурки: «Минг қарғага бир кесак». Сенинг сўзинг анга ўхшарки, Эшон калла деган ҳофиз яхши кўрган тўпписини тез оқар сувга оқизибдур. Неча жаҳд бирлан ололмай, ночор маҳрум бўлуб айтур эрдиким: «Йўқолғони хуб бўлди. Бошимга тор келур эрди», деб афсус ер эрди. Мушук илмоғдаги қуйруқни ололмай, «Пуф сассиғ», дегандек сўзни қўй. Агар сен ҳам тунлар подшоҳи Мажнунга орқа бўлгандек ва ё Муътамир подшоҳ араб Айнияга дилжў қилиб Райёни олиб бергандек иш қилсанг эрди, то явмал жазоғача сендин номи нек қолур эрди»¹.

Кордон айди: «Ҳикоят қил!»

Кўрқуш айди: «Илгари замонда Муътамир отлиғ подшоҳ бор эрди... Ул вақтда қиш эрди».

Айния тун узоқлиғидин ва кеча қоронғилиғидин хонақоҳ ичида овози ҳазин бирла шиква қилур эрдиким: «Бу нечук тунки, анинг тонги йўқ..., ё товуқнинг томоғидин тулки туттимукин ва ёки ер юттимукин?» Замондин кейин хомуш ва шамъ парвонаси беҳуш ва ё тори узулган создек носоз ва фироқ аламиндин монёш овоз бўлуб ёторди².

Анда Муътамир подшоҳ айди: «У аламзадани тутуб сўрасам хўб эрди», деб пушаймонлиғи ортар эрди ва замондин сўнг яна одат маъҳудини бошлади. Анда Муътамир подшоҳ хонақоҳга кириб, ул йигитнинг қўлидан тутуб олиб чиқти. Аввал ноласини сўради ва айди: «Эй йигит, бемор тузалгуси келса табиб ўз оёғи билан келур, деган сўзни билганинг йўқму? Ҳар муддаонг бўлса изҳор қилғил».

Айния айди:

Балойи ишқга учраб, телба бўлдим, англағил эй шоҳ,
Киши мендек балага мубталойи бўлмасун асло.

¹ Агар сен ҳам тунлар подшоҳи Мажнунга ёрдам бергандек ва ёки Муътамир подшоҳ араб Айниянинг кўнглини топиб Райёни олиб бергандек иш қилсанг эди, қиёматгача сендан яхши ном қоларди.

² Бир қанча вақтдан кейин Айния хомуш ва шамъ парвонасидек беҳуш ёки тори узилган мусиқий асбоби каби созланмаган, айрилиқ дардидан овози чиқмайдиган бўлиб ётарди.

Подшоҳ айди: «Эй Ансор¹ фарзанди, эй балонинг дардман-ди, ишқ селобидурки, дин маъмураси биносининг рахнагари ва мажнунлик хароб ободининг иморатлари»² деб Айниянинг қўлидан тутуб, Ансор маҳалласига³ олиб борди. Айди: «Эй ансорийлар, бу йигитни тонирмусизлар?» Анда ансорийлар гувоҳлик бердиларким: «Ори, бу йигит покликдин араб ичра машҳур ва ҳама атвори писандида. Лекин саҳал кундурки, ишқ бозорининг расвоси ва савдо чаманининг булбули шайдосидур. Мундин ўзга заҳир... айби йўқдур. Алқисса, подшоҳ ансорийлардин бу сўзни эшитиб Айниянинг қўлидин тутуб қўшига олиб борди. Ҳамият ҳимматини даржўш келтуруб, ярим хазина динор, юз тева, уч юз қора мол, уч юз йилқи, беш юз қўй ва қизнинг бошкўзи ясаладиган қалинни жамлаб, муборизони шужоъ ва олоти амал этиб, Айниядин сўрабдиким: «Қайси қабиланинг моҳируйи ва сунбул бўсиға гирифтор бўлдинг?»

Айния айди: «Бир кун бир бузруквор жомии ҳарамда дуоға машғул эрдилар. Жомийда ҳарам тақобилида роҳи омма бор эрди. Қариб минг уйлук араб ул йўлдин ўтар эрдилар ва бир неча ҳурулиқо товусдек хиром айлаб, алардин кейин бир пари мумтоз, неча ишва ва ноз бирла ва зебу зийнат бирла ўтуб ва анинг қоши кўзи сифатини савсандек минг забон пайдо қилиб, то явмал маълумгача сўзласа адо бўлмас, кўзумга тушди. Эрса маҳви жамоли бўлуб, ҳушум кетибдур. Қулоғимга овоз келдики: «Эй Айния, мен сенинг хоҳлаганингдурман. Замондин сўнг ўзумга келсам, улардин ҳеч асар топмадим»,— деди.

Алқисса, подшоҳ ул бодия нишин араблар юрган йўлга Айнияни олиб тушти. Нечанд манзил ва мароҳил тай қилиб, улар бани Салим уруғина етушдилар ва подшоҳ Салимға меҳмон бўлуб туштилари. Улар суюнчи ва пешкаш ва неча турлук моҳазар қилдилар. Подшоҳ Муътамир ҳеч қайсисиға рағбат қилмас эрди. Анда бодия нишин араб уруғлари мажмуи бир ерда ўлтуруб эрдилар, дедилар: «Подшоҳи арабнинг не муддаоси борки, анжومي ҳарб ва анжومي тўй бордур, пешкаш ва моҳазарларга асло боқмас». Бу аснода мардумни чақириб воқеани баён қилдилар. Бу турганларким, подшоҳнинг муддаосини билдилар: «Қиз-

¹ Арабларнинг қадим вақтдаги бир шаҳарининг номи.

² Эй Ансор фарзанди, эй бало қайгуларинга гирифтор бўлган йигит, ишқ сели шундай бўладики, у диннинг обод биноларини вайрон қилади, мажнунлик ишоратлари обод бўлади.

³ Маҳалла бу ўринда «шаҳар» маъносида ишлатилган.

нинг отаси бу жамъда йўқдур»,— деб филҳол қизнинг отасини ҳозир қилдилар. Амри хайр сўзларини подшоҳ бирла қизнинг отаси сўзлашдилар.

Анда қизнинг отаси айди: «Эй подшоҳ, хўб бўлубдур, болам ҳам болиғдур, ўзидин сўраб жавоб берсам керак»,— деб қизнинг ҳузурига кириб айдиким: «Эй болам, Муътамир подшоҳ Айния исмлиқ ўғлига ақд қилғоли келибдур, не жавоб берурсан?»

Қиз Айния номини эшитгач, рухсори гул-гул ёна берди. Қизнинг ризосини отаси англаб, айдиким: «Эй болам, хомуш ўлтур. Сендек гавҳари аслии ҳар ноқобилининг қўлига бермасман».

Анда қиз айди: «Эй жоним ота, бори бермас бўлсангиз ҳам, зинҳор ёмон сўзлаб озурда қилманг... «Бермас қизнинг қалини кўб»,— дебдурлар. Баланд мол солсангиз озорсиз маслаҳатдур».

Алқисса, қизнинг айтганидек подшоҳ қалин солди: «Юз тева, икки юз қора мол, беш юз қўй, қизнинг қош ва кўзини ясай оладиган қалинни санаб топширди... Айнияга Райёни ақд қилдилар».

— Эй, Кордон, сенинг Малик Шоҳингда анинг молича мол йўқму?— деди.— Сенинг беҳимматлигинг ўз нодоилигингдин маълум бўлди.

Алқисса, яна Кўрқуш айди: «Ҳар кимнинг ишиму улоқ овламоқ, мадрасага бориб тупроқ яламоқ? Иш биткармоқни мендин кўрсунлар», — деб Қубод шаҳристониға равона бўлди. Бойўғли уйига қўноқ бўлди. Кўрқуш Бойўғлини кўрган ҳамон томогидин бўғуб, «Кўр тутганини қўймас», дегандек чўқуб айтдиким: «Кўрушмасанг отангни йиқит».

Бойўғли айди: «Йиқилган курашга тўймас», кувёв бўлсанг, қиз тайёр, эшитмоққа қулоқ бор. Сўрамоқ сендин, эшитмоқ мендин».

Кўрқуш айди: «Сенинг қулоғинг мулла Сиддиқ котибнинг қулоғидек сўз эшитмас».

Бойўғли айди: «Сенинг кўзинг мулла Асқарнинг кўзидек қадрдон ошшасини танимас, эшитмадингмуким: «Бошга тушганини кўз кўрар» ва яна айтмишларки: «Хайр ишиға жарчи бўлсанг, малул бўлма». Аммо сенинг бошингға иш тушса, тортарга кўз йўқидин малулсан».

Кўрқуш айди: «Ботин сўзи керак. Сенга ҳарза учун келган киши эмасман. Тилаган чордеворингдин тўрт юзини кечгил. Олти юзиға жавоб берурман.

Анда Бойўғли айди: «Минг чордевор соламан, тўрт юзини нимага кечай?»

Кўрқуш кўрдиким, Абдураҳим судхўр баққол мумсикдек кўб хасисдур, агар минг чордевордин бир чордевор кам бўлса, ўттуз тишини синдирур. Айдиким: «Андоғ бўлса, тўй лавозимотини тайёр қилғил. Пашшадин анқоғача барча қушларга киши чоптур, йиғилсунлар! Аларнинг ҳузурида маҳр солай».

Алқисса, Япалоқ шаън ва шавкат бирла тўй олиб келди. Мажмуи туюрлар жам бўлдилар, мисли анқо, ҳумо, қарчиғай, уқоб, баҳрин, лочин, италгу бир тарафга; оққуш, туғдоқ, турна, ғоз, ўрдак, кўгақуш, анғит, сурна, суқсур, чуррак, коркирак, кўргут, лаклак бир тарафга ўлтурдилар. Булардин кичик қушлар мисли каклик, бедана, олатўғаноқ, қизилиштон, зарғалдоқ, кабутар, мусича, қалдурғоч, саъва Қулонкир султонга куёв нукар бўлуб, бир тарафга ўлтурдилар.

Алқисса, Кўрқуш куёв жонибидин вакил бўлуб, кўкқарға, олақарға гувоҳ бўлуб, Куйкунак қиз жонибидин вакил бўлуб турдилар. Никоҳ хутбасин ҳазор дастон равшан фасиҳ тил бирла ўқимоқ бўлди. Кўрқуш Куйкунакка қараб айдиким: «Қизингнинг маҳрини баён қил!»

Куйкунак айди: «Авомуннос ичра машҳурдурким, «Катта кема қайдин юрса, кичик кема андин юрур». Сизларга возиҳ ва лойиҳ эрурким, аммасининг маҳри минг чордевор эрди, мунинг ҳам маҳри минг чордевор».

Анда Кўрқуш айди: «Фарғона мулкида чордевор ноёб эканин арз қилиб ўтуб эрдук. Агар Мовароуннаҳр тобъотидин хоҳласанг, ҳар қанча чордевор десанг берай, балки хишт девор солайин».

Куйкунак айди: «Бу масалдин беҳабар ўхшарсан: «Бўри бормоғина қувонур, емоғина йўқ». Ва яна айтмишларки: «Така бўлсун, сути бўлсун».

Кўрқуш: «Хўб, маъқул», — деб овоз қўюб айди: «Эй ҳозир ўланлар, англағучи бўлинлар, мен маҳр солай: аввал Ургут, Янги Работ, Эски Сабот, Пушоғур, Шахристон, Сарой, Ҳилён, Иторчи, Чун, Манғит, Кенагас, Янги Ариқ, Фончи, Ғозон, Дарак, Хўжа Тоҳир, Нажидон, Қизили, Кўркат, Бекобод, Хайробод, эмди Гунаш бону ойимнинг маҳри битдим», — деди.

Алқисса, Кўрқушнинг маҳр солишига ва Куйкунак олишига бир неча қушлар ҳайрон булуб, бир бирларига айтушур эрдиким: «Бели оғримаганининг нон ейишига боқ».

Куйкунак дарҳол туруб айдиким: «Бораколлоҳ, сизнинг жу-
вонмардлингизга. Маърақда бизнинг сўзлағудек ҳолимиз
қолмади. Маҳр солишингизга ҳозир турган туюрлар инсоф ва
офарин қилдилар. Лекин Хайробод бизга мувофиқ тушмади».

Кўрқуш айди: «Сабаб недур?»

Куйкунак айди: «Дарё ёвуқдур. Зероки, Бойўгли халқи
сувдин иҳтироз этарлар. Мунинг ўрнига Муғни солинг».

Кўрқуш айди: «Хўб бўлубдур. Шошманг. «Муғ» атвор луғати
бор¹. Луғати юқорида мазкур бўлгон тошкентлик Муҳаммад-
хўжа Ҳожидек юрши йўлини йўқотиб, мумсиклар афёоли анга
мақбул ва марғуб тушубдур, «Мунглуғ» бўлишга оз қолибдур.
Яна бир сафарлик ҳоли бор. Кеч кузгача ани солиб бермоқға
мен кафил», — деди.

Куйкунак ҳазордастон сари боқиб ишорат қилдиким: «Хутба
бошланг... Ҳазордастон таъвиз ва тасмиядин сўнг... ушбу маж-
муъ туюрларки, мажлисда ҳозир турурлар, аларнинг гувоҳли-
ғи бирла, минг чордеворни мазкур бирла Гунаш бону ойимға
хотиб бўлуб ва роғиб бўлуб: «Қабул қилдингизму?» — деди. Ва
яна тўрт амри шаръий бирла: бири булким, беижозати шаръи
чўқуб кетмагайсиз ва яна хароб-ободнинг оқ-қораси кўрунганда
кўтариб кетмагайсиз ва яна ҳол-аҳволидин беҳабар бўлуб, оч-
яланғоч қилиб, олти ой бепафақа ташлаб кетмагайсиз ва яна
беважҳи шаръий уруб баданига оқ ва қора тушмасун, деб фо-
тиҳа ўқуб, жамоат тарқаштилар. Андин кейин Гунаш бону ойим-
ни макиён янгалари олиб, Кулонкир султонга қўшдилар. Кулон-
кир султон Гунаш бону ойим иккилари муродларига етдилар.

¹ «Муғ» қилиғининг луғати бор. «Муғ» майфуруш, ўтга чў-
қинувчи маъносида ишлатилгани учун, унинг феъл-атворини
шу луғат билан белгилаган бўлишлари мумкин.

ЛУҒАТ

А

Абир — бир хил хушбўй нарса.
Абушқа — чол.
Аввалроқ улким — биринчидан шуки.
Аромуннос — оддий халқ.
Авқот — вақтлар.
Адам — йўқлик.
Ажуз айёми — чириган дунёнинг куни.
Айём — замон, вақт, давр, кунлар.
Алвонлари — туслари, ранглари, хилма-хил.
Алғараз — бир сўз билан айтганда, қисқача қилиб айтганда.
Амин — амонатни яхши сақлаш, хиёнат қилмовчи, ишончли.
Амонат сўз — бир сўзни бировга айтиш учун иккинчи бир киши томонидан айтилган сўз.
Амри хайр — хайр иши, яхшилик.
Анвои гуллар — турли-туман гуллар.
Анжом — керакли нарса; **сафар анжоми** — сафарга керакли нарса.
Анжоми ҳарб — урушга оид асбоблар.
Анжум синаҳ — аскарни юлдуздай кўп, аскарни сон-саноксиз.
Арони давлат — давлатнинг таянчлари, ҳукумат арбоблари.
Асно — пайт, вақт.
Асфал — тубан, қуйи.

Атвор — феъл, хулқ.
Ато — бағишлаш; **афву ато** — кечирриш, бағишлаш; гуноҳни кечириш.
Афзо — берувчи, бағишловчи.
Афъол — феъл, қилиқлар.
Аёлманд — бола-чақаси кўп одам.
Ақиқ — қизил ёки қизғиш рангли қиммат баҳо тош.
Ақраб — чаён.
Аҳли хирадманд — ақлли одамлар.
Аҳлу аёл — бола-чақа.

Б

Бадахшон — Помирнинг шимол-ғарб қисмидаги бир ўлка.
Бадсиришт — ёмон табиат, ёмон хулқ, ёмон одат.
Баромад — кириш; **баромади сўз** — сўзнинг кириш қисми.
Бағоят — жуда.
Баҳаддики — шундай даражадаки ..
Баҳри амиқ — чуқур дарё.
Беважул шаръий — шариат қондаларидан ташқари.
Бемажол — кучсиз, дармонсиз.
Бесомон — паршон ҳол, гангиган, камбағал.
Бегамиз — номаъқул, ақлсиз, соғлом фикрлай олмайдиган.
Бийно ва нобийно — қўрувчи ва кўр.
Бир замон таваққуф айлаб — бир қанча вақт тўхтаб.

Бовужуди — шундай бўла туриб, шундай бўлса-да.

Бода — май, ичкилик.

Бода нашъаси — май кайфи.

Бод — шамол; **боди дилкаш** — ёқимли шамол.

Бодия — дашт, сахро.

Бодиянишин — сахрода яшовчи.

Бодиялар қатъ эдуб — чўл ва биёбонлар босиб.

Бозанда — ўйинчи.

Болига — етилган, бўйига етган қиз.

Бону — хоним, ойим.

Бор — юк.

Боргоҳ — қабулхона, қабул қилинадиган жой.

Ботин — кўнгилдаги, юракдаги.

Боғи эрам — афсонавий гўзал бир боғ.

Боҳуш — эсли, ақлли, зеҳли, тез тушунадиган, идрокли, зийрак; **аҳли хирадманди боҳуш**—ақлли, идрокли кишилар.

Бузруг — улуғ, ҳурматли.

Бузругвор — улугвор.

Булотқи — ёлғончи, гапининг тайини йўқ киши.

Булуғ — балоғатга етишиш; **аломати булуғ** — балоғатга етишиш белгилари.

Бўта, бўталоқ — туянинг боласи.

В

Васфидин ожиз — таърифлаш, мақташдан ожиз, таърифлаш, мақташга кучи етмайди.

Вирд — дуо, вазифа.

Возиҳ — очиқ, ошкор, равшан; **шубҳасиз**.

Воқиф — хабардор, билувчи.

Г

Гардироҳа — йўл чанги, йўл юрган-да юққан чанг.

Гардун — фалак, осмон.

Гармоба — ҳаммом.

Гузир — 1) чора, тадбир; 2) қочиш.

Гунаш — қуёш, кун, офтоб.

Гушмол — кулоқни бураш. (Мўғаннийлар созларининг кулоғига гушмол учун қўл солиб, тоб бердилар — музикачилар чолғуларининг кулоғини бураб, созларини тузатдилар.)

Д

Давот — сиёҳдон.

Дамсоз — ҳамдард, ҳамдам, улфат, дўст.

Дангалнишин — юқори даражали.

Дарра — қайншдан ясалган қалип, ясси жазо қуроли. Хонлар дарра билан жиноятчиларни уриб жазолар эдилар.

Дарафтодан — душманлик қилмоқ, душманлик муносабатнда бўлмоқ, жанжаллашмоқ.

Даргоҳ — сарой, уй.

Дардманд — дардли, қайғули, касал.

Даржанг — тажанг.

Дастон — булбул.

Дафта — марта, карра, қайта.

Дахи — ҳам, яна.

Даъвий — талаб, истак.

Дағдаға — мойиллик, хоҳиш; қўрқинч, даҳшат, тинчсизлик, ташвиш.

Даҳсар — 1/4 ботмон.

Дийда — кўз.

Дилжў — кўнгилни топган, кўнгил тилаган, орзу қилинган.

Динор — олтин ақча.

Дониш — билим, маълумот.

Донишманди рўзгор — замоннинг билимдони.

Ду жониб — икки томон, икки тараф.

Дунё аруси — дунё келини, дунё келинчаги, ўзинга тортувчи дунё, алдамчи дунё.

Дуррож — бир қушнинг номи.

Дучор бўлмоқ — учрамоқ.

Ё

Ёзгон сўнг — гуноҳ қилгандан сўнг;

ёзуғ — гуноҳ, айб.

Ёвуқ — яқин.

Ж

Жавоҳир — гавҳарлар, қиммат баҳо тошлар.

Жамоат — йиғилган одамлар.

Жаноб — даргоҳ, сарой, уй.

Жомадарронлар — кийим йиртарлар, текинхўрлар, бекорчилар.

Жониб — томон, тараф.

Жон сотиб — жонни фидо қилиб.

Жидду-жадал — қаттиқ ҳаракат қилиш.

Жўбламоқ — тайёрламоқ, ортмоқ.

З

Замир — ич, юрак, дил.

Замондин сўнг — бир қанча вақтдан кейин.

Замҳарир — энг қаттиқ совуқ.

Зарранарвар — заррани тарбияловчи, заррага жоп берувчи.

Зардолу — ўрик.

Зарурат — ноилж.

Зер — теги, ости.

Зери бор — юкнинг таги, юкнинг ости.

Зимистон — қиш.

Зишт — хунук, ёмон.

Зод — туғилган, авлод, фарзанд.

Зоҳир — кўриниб турган, очиқ-ошкор.

Зулф — аёлларнинг кокиллари.

И

Имдод — кўмак, мадад, ёрдам.

Инон ихтиёрин — тамомий ихтиёрин

Иноят — меҳрибонлик, марҳамат, ёрдам.

Ироқ — араб мамлакатларидан бири.

Истиъдо — сўров, ялиниб-ёлвориш, сўраш.

Истихора — туш орқали фол очиш.

Иқлим — мамлакат.

Й

Йўл узасида — йўлда, йўл устида.

К

Калом — сўз, гап, нутқ; **каломи мажид** — қуръон, мусулмонларнинг диний китоби.

Камари ҳиммат — ҳиммат камари, сахийлик камари.

Камоҳаққуҳу — таг-туби билан, адолат билан.

Кам хирадлиғи — ақли камлиғи.

Карам — яхшилик, эҳсон, сахийлик.

Касрат — кўплик, мўллик; **чечаклар касратидин** — гулларнинг кўплигидан.

Каҳрабо — бир турли сариғ тош.

Кибру манлик — манманлик, такаббурлик, ўзини юқори олиш, одамларни, юрт-элни менсимаслик.

Кирдор — қилиқ.

Кисаи пурзар — ҳамён тўла олтин.

Ком — баҳра, истак, тилак, мақсад.

Кордон — иш билармон.

Кор қилмоқ — таъсир қилмоқ.

Косибди пуркарда — тажрибали косиб, пуркор — моҳир уста.

Котиб — ҳар хил ёзувларни ёзувчи киши.

Кошона — уя, турар жой.

Қоҳил намоз — намозга бепарво қаровчи.

Куланг — турна, курка.

Кулба — уй, оддий уйча.

Кунгира — қалъа, девор устига ишланган панжара.

Кўмоч — несиқ кулда пиширилган нон.

Л

Лаъл — қизил рангли қиммат баҳо тош.

Лиқо — кўриниш, юз; **ҳури лиқо** — ҳур юзли.

Лойиқ — очиқ, равшан, кўриниб турган.

М

Мавжуб — сабаб.

Мавқуф — ўйланган, мўлжалланган, кўзлаган.

Мажму — барча, ҳамма.
Малолат андуҳ — қайғу билан сиқилган.
Малул — қайғули, ғамгин, хафа; **малул бўлма**—хафа бўлма, қайғурма.
Манзума — 1) тизилган, тизма, тартибга солинган; 2) шеър ҳолига айлантирилган.
Манзур — мақбул бўлган, кўрилган.
Манозил ва мароҳил тай қилиб — манзиллар кезиб.
Мардум — одамлар, кишилар.
Маржум — ҳайдалган, тошлар билан урилган.
Марқад — гўр, қабр.
Марғуб — севимли, ёқимли.
Маскан — турар жой, ўрин, уй; **Япалоққуш маскани** — Япалоққушнинг турар жойи.
Мастуралик — бекитилганлик, пардаланганлик.
Матоз — мол.
Машварат — кенгаш, маслаҳат.
Машойих — кексалар, шайхлар.
Маъдан — кон.
Маъмура — обод шаҳар, мамлакат.
Маъруф — маълум, таниқли.
Маъхуд — қадимги эски одат, одатдаги, маълум, машҳур.
Мақрун — яқин.
Мақсуд — мақсал.
Маҳв — йўқ бўлиш, тамом бўлиш.
Маҳзун — ғамли, қайғули, хафа.
Маҳлиқо — ой юзли.
Маҳрум — бир нарсадан бенасиб қолган, қуруқ қолган, бир нарсага етиша олмаган.
Минқори — тумшуғи.
Мисгар — мисдан турли идишлар ясовчи ва уларни тузатувчи уста.
Мезбон — меҳмон кутувчи, уй эгаси.
Меҳр — қуёш.
Модар — она.
Монанд — ўхшаган; **Монанди арра** бўл — аррага ўхшагин; **монанди ҳайвондек** — ҳайвонга ўхшаган.
Мофиз замир — кўнгилдаги.
Моҳазар — тайёр овқат.

Моҳазар — тайёр.
Моҳ рўй — ой юзли.
Муаммо — маъноси бекитилган сўз.
Муарриф — таъриф қилувчи.
Муборизон — курашувчилар, жангчилар.
Мудом — доимо, ҳамма вақт.
Мулозим — подшо ёки бир амалдорнинг ёнида доим хизмат этувчи шахс.
Мумсик — хасис, бахил.
Мумтоз — сараланган, саралаб олинган.
Мунаққаш — безатилган; **мунаққаш кўринур эрди** — безатилгандек кўринур эди.
Мунгуз — шох.
Мундин нари — бундан буён.
Муншийи рост навис — ҳақиқатни ёзадиган ёзувчи.
Мунозара — тортишув, жанжал.
Мурод ҳадафи — мурод нуқтаси.
Мустаманд — ғамли, бечора ҳол, муҳтож.
Мустаҳиқ — муносиб, ҳақли, лойиқ.
Мутолаа қилмоқ — диққат билан ўқимоқ.
Муфсид — зарарли, бузувчи, фасодчи.
Муфт — текин.
Муфти — шарият ҳукмини баён этувчи шахс.
Муг — ўтга чўқинувчи, майфуруш.
Мўнди — сопол кўвача, сопол хурмача, сопол хумча.
Мўғаний — ашулачи, чалғувчи.

Н

Навид — хуш хабар, севинчли хабар.
Навоз — ёқимли.
Навозанда — куйловчи, ашула аytувчи.
Навоҳий — мамлакат.
Нажжор — дурадгор.
Нанг — ор, уят, номус, ор ва номус.
Насойих — насиҳатлар, ўгитлар.
Нафсини маломат қилиб — нафсини ёмонлаб, нафсини койиб.

Нақора — ноғора.
Нақшу нигор — гўзал расмлар солинган.
Наҳр — дарё; **наҳри азим** — катта дарё.
Нек — яхши.
Неъмат — ҳада, эҳсон, ноз-неъмат.
Ниҳояти — охири; **бу сўзнинг ниҳояти узоқдир** — бу сўзнинг охири узоқдир.
Ногаҳон — тўсатдан, бирдан.
Ноёб — топилмайдиган, қиммат баҳо.
Ноз — инжиқлик, хархаша, нозу карашма.
Нозпарвар — ноз қилишга ўрганган.
Нома — мактуб, хат.
Нор — ўт; **нори фироқ** — айрилиқ ўти.
Нофаржом — бефойда, бахтсиз.
Ночиз — беҳуда, яроқсиз, арзимас.
Ночор — чорасиз, мажбуран.
Ношойиста — келишмаган, беўхшов, хунук, номуносиб, ёмон, номаъқул.
Ноқис — камчилик, нуқсонли.
Нўш этиб — ичиб.

О

Овози ҳазин — гамгин овоз, қайғули овоз.
Одамизод — одам боласи.
Озмойиш — синаш.
Озода — 1) озол, эркин; 2) тўғри, айбсиз; 3) гамсиз, ташвишсиз, хурсанд.
Озурда — озор чеккан, ранжиган.
Озгон сўнг — озгандан сўнг.
Ойин — расм, одат.
Олакўзанақ — йиртқич қуш.
Оламин боло — баланд олам.
Олампаноҳ — олам ҳомийси.
Оламотб — дунёни ёритувчи.
Олатўғаноқ — қарқиноқ помди қушга ўч бўладиган ваҳший қуш.
Олими боамал — ўзининг айтганларига амал қилувчи олм.
Олот — асбоблар, қуроллар.
Ор — уят, номус.

Ораз — юз, бет.
Ори — тўғри, рост, шубҳасиз.
Оройиш — безак, зийнат.
Осор — нишоналар, белгилар.
Офтоба — обдста.
Офтобачи — подшо, хон саройида қўлни ювдирадиган махсус амал.
Охирулғамр — ниҳоят.
Оч ўтина — очлик ўтига.
Ошёна, ошён — ин, уя.
Ошхўрлар — ош еувчилар.
Оғалиқ — сарой хизматчиси.
Оғоз — бошлаш, бошланиш.

П

Партавлик — равшанлик, порлоқлик.
Пеша — одат.
Пешкаш — совға, тортиқ.
Пешомад — олдига қўймоқ.
Пешқадам кор озмо — кўзга кўриган, тажрибали.
Писанида — яхши, ёқимли.
Подшоҳи одил — одил подшоҳ.
Пушаймон — ачиниш, афсус қилиш.

Р

Равона бўлуб — кетиб, жўнаб.
Ранг таровати — ранг тозалиги.
Ранж — машаққат, қийналиш.
Рафиқ — ўрток, дўст.
Раҳна — йиқик, дарз, ёриқ.
Раг — томир, қон томири.
Рашк — кўролмаслик.
Раъй — фикр, мулоҳаза; **вазири соҳиби раъй** — фикр ва мулоҳазага эга бўлган вазир.
Реш — яра, жароҳат.
Реша — томир, негиз.
Риёзат — қийналиш, машаққатланиш; **риёзат чекмоқ** — қийинчилик тортмоқ.
Ровийлар — ҳикоя қилувчилар, қисса айтувчилар.
Роз — сир; **аҳли роз** — сирдошлар.
Рост — тўғри.
Роҳ — йўл.
Роҳила — от-улов, юк ҳайвони, улов.
Роғиб — мойил, хоҳишли, рағбатли.

Руд, уд, даф, барбат, қонун — чол-
гу асбоблари.

Рухсор — юз, чеҳра.

Руқъа — мактуб, хат.

С

Сабза раёҳин — майса райҳонлар.

... сабр қилсанг хўбдур — ... сабр
қилсанг яхшидур.

Сабухий — тонг пайтидаги ичкилик.

Савобит — турғун юлдузлар.

Савсан — гулсапсар.

Сазовари хайр — ёрдамга муҳтож.

Сайёра — сайр этувчи юлдузлар.

Салим — омон-эсон, соғлом, саломат.

Салотин — подшолар; ... қушлар-
нинг салотинидурлар — ... қуш-
ларнинг подшоларидирлар.

Сангпўшт — тошбақа.

Саодат — бахт, иқбол.

Сарманзил — йўловчиларнинг би-
ринчи қўнар жойи.

Саропарда — подшо чодир.

Сафиҳ — ақлсиз, тентак, подон; **вир-
ди анинг ҳарза сафиҳ** — унинг
дуоси бемаъни, подон сўзи.

Сақар — дўзах.

Сақат — нуқсонли, камчиликли, майиб.

Саҳв — хато, янглиш.

Саҳал — бундан ташқари, осон, ен-
гил, арзимас; бунинг устига.

Селоб — сел, сел суви, тошқин.

Серка — қўй ва эчкиларни бошлаб
юрувчи кекса эчки.

Сийна — кўкрак.

Сонмоқ — ҳисобламоқ; **сонур эди** —
ҳисобларди.

Сорбон — туячи, туякаш.

Соҳил — қирғоқ.

Сунбул — хушбўй ҳидли, қора ранг-
ли ўсимлик; **зулф каби сунбули**
хушбўлари — хушбўй сунбуллари
зулфга ўхшайди.

Сунбул бўс — сочини ўпадиган.

Сунган — эгилган.

Сурур — шодлик, хурсандлик.

Суфра — дастурхон.

Сўтқоқ — бир қушнинг номи.

Т

Тааммул — чуқур ўйлаш, фикрлаш,
мулоҳаза қилиш.

Таъвиз — дуо.

Тавозиъ (тавозуъ) — одобилик.

Таъзим — ҳурматлаш.

Тайлоқ — туянинг боласи, бўта-
лоқ.

Тангдас — қўли қисқа, камбағал.

Тановул қилали — овқат қилайлик.

Тар — янги.

Таррор — ўғри.

Тасмия — от қўйиш, ном қўйиш.

Тафсил — бир воқеани атрофлича,
очиқ, аниқ баён қилиш, кенгайти-
риб сўзлаш.

Таъвиз — тумор.

Тақобил — қарама-қарши, қаршиси,
учрашуви.

Таҳаммул — тоқат, сабр, чидам.

Тийра — қоронғу, қора.

Тоифа — гуруҳ, қабила.

Толеъ — бахт.

Тора мўй — тола мўй.

Тоқя, тақя — дўппига ўхшаш бош
кийими.

Туз — текис; **дала туз** — текис да-
ла, текис ер.

Тузини тотиб ... — овқатни еб қў-
риб ...

Тумтароқ — дабдабали, тантанали,
шов-шув.

Турктоз — таламоқ, ҳужум қилмоқ,
от қўйиб талаб кетмоқ.

Туюр — қушлар.

Тўғри сўзга тўғаноқ — тўғри сўзга
қаршилиқ қилувчи, тўғри сўзни
ёқтирмайдиган.

Тўрсуқ — бурдуқ, меш, чармдан қи-
линиб, сув сақлашга мўлжалланган
идиш.

Тўрқа — қиммат баҳо кийим.

Тўқол — шохсиз.

У

Уён — у ёғи.

Улус — халқ.

Ф

- Фарах** — шодлик, хурсандлик.
Фаросатли — серфаҳм, зийрак, сез-гир, зеҳли, ўткир, идрокли.
Фарсах — узунлик ўлчови, 7—8 километр.
Фасих — ёқимли.
Фасли тамуз — саратон, ёзнинг энг иссиқ фасли.
Фаҳм ва хирад сар — ақл чўққиси.
Фиръавн — Миср подшоларининг унвони.

Х

- Хаёли фосид** — бузуқ хаёл.
Хайма — чодир.
Хати хуш — хати чиройли.
Хижолат — хижолат, уялиш.
Хирад — ақл.
Хиргоҳ — парда, чодир.
Хиром — чиройли юриш; **товусдек хиром** — товус каби чиройли юриш.
Хоби харгўш — чалғитиш, алдаш.
Ховар — шарқ.
Хок — тупроқ, ер юзи.
Холиқ — яратувчи, худо.
Хомуш — индамасдан жим турувчи.
Хонақоҳ — шайхлар, дарвишлар йиғиладиган жой.
Хор — тикон; **хор сифат** — тиконга ўхшаш.
Хостгарлик — совчилик.
Хотиб — совчилик қилган, талаб қилган
Худдонолиғ — ўзини доно деб билиш, шуҳратпарастлик.
Хуррам — шод, хурсанд.
Хуршид — қуёш, кун.
Хутба — никоҳ қилиш вақтида имом томонидан ўқиладиган дуолар.
Хуш — яхши; **ҳавоси хуш** — ҳавоси, иқлими яхши.
Хуш таъм — ширин.
Хўқанд — Қўқон.

Ч

- Чордевор** — вайрона, хароб бўлган, бузилган жой.
Чўқ — кўп.

Ш

- Шадид** — шиддатли.
Шамс — қуёш.
Шамширзан — жангчи, қиличбоз;
Шарорат — ёмонлик.
Шақоват — бахтсизлик, ёмонлик.
Шева — одат.
Шикор — ов.
Шиква — шикоят, нолиш.
Шиноварлик — сузувчилик.
Шужоъ — ботир, шижоатли.
Шуоъ — шуъла, ёруғлик.
Шўразор — шўра ўт кўп ўсадиган жой.

Э

- Эзгу яғочлар** — яхши дарахтлар.
... эр етибдур — вояга етибди, катта бўлиб қолибди.

Ю

- Юз келтурмоқ** — юзга айтмоқ.

Я

- Явмал жазо** — жазо куни (қиёмат куни дейилмоқчи).
Якжирма — биргина гавда, жусса.
Яман — араб мамлакати.
Яғмо — талон-торож; **зулим ёнди ҳароратлари яғмосидан** — иссиқликнинг зулмидан ёнарди.
Яғоч — узунлик ўлчовининг номи.

Ў

- Ўз айбига боқмоқ** — ўз айбини кўрмоқ.
Ўрда — подшо, хон ёки катта амалдорнинг турадиган жойи.
Қазо — ўлим.
Қаламзан — ёзувчи, котиб (ҳукм ва фармонларни ёзиб тарқатувчи мирза).
Қалб — сохта, қалбаки.
Қамар — ой.

Қатъи манозил — қўниб ўтиладиган жойларга юриш, „манозил“ сўзининг бирлиги манзил — йўловчилар қўниб ўтадиган жой, бекат.

Қизил бош — эронлик, форс.

Қитъа — бир неча байтдан иборат бўлган кичик шеър. Одатда қитъанинг жуфт мисралари қофияланиб, тоқ мисралари қофияланмайди.

Қонун — музика асбоби.

Қосир — камчиликли, қисқа, калта, кучсиз, ожиз.

Қурратул айн — кўз қорачиги, фарзанд.

Қушлар кўзига гўл — қушлар кўзига содда.

Қумламоқ — чўктирмоқ.

Ғ

Ғаввос — сув тагига шўнгувчи.

Ғалат — хато, янглиш.

Ғарқоб — гирдоб, камар, ўпқон.

Ғойиб — йўқ бўлиш.

Ғолибо — кўпинча, қисман, одатда.

Ғуломгардиш — йўлак, усти ёпиқ жой.

Ғўта — сувга шўнгиб чиқиш.

Ҳ

Ҳаво иътидоли — ҳавонинг ўрта даражалиги.

Ҳаво хоҳ — истаб, хоҳлаб.

Ҳавоси хуш — ёқимли ҳаво.

Ҳадаф — нишон, нишон жойи, йўналиш нуқтаси.

Ҳазор — турғунлик, бир жойда яшаш.

Ҳазор — минг.

Ҳазордастон — булбул.

Ҳалқа бағўш — қулоғига ҳалқа таққан; қул маъносида ишлатилди.

Ҳамият — ор-номусни сақлаш ва уни ҳимоя қилиш.

Ҳамроз — сирдош.

Ҳаракатлари мақбул — ҳаракатлари ёқадиган, ҳаракатлари ёқимли.

Ҳарам — хос жой, ичкари ҳовли.

Ҳарза — беҳуда, бемаъни сўз, бе-корчи сўз.

Ҳарис — ҳирсли, очкўз, тамагир.

Ҳариф айёр солор — айёр бошлиқнинг шериги.

Ҳаромзодаи таррор — ҳаромзода ўғри.

Ҳарорат — иссиқлик.

Ҳасад — бировни кўролмаслик, ич-қоралик.

Ҳижоз — Арабистондаги бир ўлка.

Ҳожат эмас — керак эмас.

Ҳоло — шу пайтда, ҳозирда.

Ҳудҳуд — сассиқпопишак.

На узбекском языке

Школьная библиотека

**ГУЛХАНИЙ
ЗАРБУЛМАСАЛ**

Составитель
Субутай Далимов

Издательство „Ўқитувчи“
Ташкент — 1972

Махсус редактор *А. Ҳожиаҳмедов*
Нашриёт редактори *А. Шокиров*
Муқова расмони *П. А. Бродский*
Балний редактор *Қ. Б. Алиев*
Тех. редактор *Н. Сибгатуллина*
Корректорлар *М. Гофурова, Д. Иногорова*

Теришга берилди 3/IV 1972 й. Босишга рухсат этилди 1/XI-1972 й. Қөгәзи 60×90¹/₁₆.
Физик. л. 3,5. Нашр. л. 3,44. Тиражи 50.000 Р—10750.

„Ўқитувчи“ нашриёти. Тошкент, Навоий кўчаси, 30. Шартнома № 3-72. Баҳси 11 т.

~~Ўқитувчи~~ нашриётлари, полиграфия ва китоб савдоси ишлари бўйича
Давлат қўмитетининг 1-босмахонасида босилди. Тошкент, Ҳамза кўчаси, 21. 1972 й. Зақ. № 69.

Типография № 1 Государственного комитета СССР по делам издательств,
полиграфии и книжной торговли. Ташкент, ул. Хамзы, 21.